O'zinguni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 31-oktabr, chorshanba ✱ № 45 (797) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

## НЬЮ-ЙОРКДА ТАБИИЙ ОФАТ



Бир неча кундирки, “Сэнди” номли кучли тўфон АҚШнинг шарқий қирғоқ бўйи ҳудудларига хавф солаётган эди. Одамлар бу ҳудудлардан оммавий тарзда эвакуация қилиниб, мамлакатнинг шимоли-шарқий йўналишига қатнайдиган барча поездлар ҳаракати, 7 мингдан зиёд авиарейслар тўхтатилганди.

➪ 5-бет

## “ТАФАККУР” САҲИФАЛАРИДА




“Тафаккур” журналининг янги, 4-сони адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулнинг “Нима дейсиз, замондош?” рукни остидаги “Кимки беишқ илму дониш истагай...” деб номланган суҳбати билан очилади. Муаллифнинг Навоий ижодий мероси ва ҳозирги миллий маънавият, бозор иқтисодиёти талаблари ва илм аҳлининг ахлоқий қиёфаси, сўз санъатида реалистик ва модернистик тамойиллар муносабатига доир фикр-мулоҳазалари ҳассослиги ва ҳаққонийлиги билан журналхон эътиборини тортишига шубҳа йўқ.

7-бет

## ТЎН



Шахмат — зўр ўйин. Жой ҳам, мавсум ҳам, ёш ҳам танламайди. Энг муҳими, ортиқча харажат талаб қилмайди. Шавкат Ғиёсович билан Ҳалим Салимович бу ўйинни шунинг учун яхши кўради. Иккаласини қарийб йигирма йилдан бери иноқ-аҳил, қадрдон қилиб турган ҳам шу ўйин. Кун пешиндан оғди дегунча бири иккинчисига секин сим қоқади:

➪ 8-бет

## ЖУРНАЛИСТ СЎЗИ — ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИДА

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган долзарб мавзулардаги таҳлилий, танқидий материаллар хусусида

**Маълумки, оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ва кайфиятини ифода этиб, фикрлар ранг-баранглиги асосида ижтимоий фикрни шакллантирадиган, умуман, давлат ва жамият манфаатларига хизмат қиладиган ўзига хос институт ҳисобланади. Мамлакат ҳаётининг долзарб масалаларини кенг муҳокама этиш, мавжуд муаммоларга самарали ечим излаш ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш каби вазифаларни бажаришда алоҳида аҳамият касб этади.**

Истиқлол йилларида юртимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди ва улар янгича мазмун, янгича шакл касб этиб, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларда замонавий талабларга жавоб берадиган мулоқот минбарига айланди.

Амалга оширилаётган кенг қамровли саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги фаоллиги ва роли тобора ортиб бораётганини эътироф этиш жоиз.

Шу билан бирга, турли таҳдид ва хатарлар тобора кучайиб бораётган бугунги мураккаб замоннинг ўзи оммавий ахборот воситалари олдига янада ўткир ва масъулиятли талабларни қўяётгани ҳам сир эмас.

4 ▶▶



## ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

**Фарғона шаҳрида Асакадаги «GM Uzbekistan» қўшма корхонасига бутловчи қисмлар етказиб берадиган “UZSUNGWOO” Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси ишга туширилди.**

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, хориж инвестицияларини жалб этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Маҳаллийлаштириш дастурининг изчил жорий этилиши мамлакатимизда мавжуд хомашё негизида сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини бермоқда. Мазкур йирик лойиҳа ҳам ана шу йўналишдаги ишларнинг мантиқий давомидир.

Қўшма корхонанинг очилишида давлатимиз раҳбари томонидан асос солинган Ўзбекистон автомобилсозлик саноати халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг рамзига айлангани таъкидланди.

“Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси, Кореянинг “Sungwoo hitch Co.LTD” ҳамда “I-Zone. Co.LTD” компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур корхонага 47,8 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. Замонавий технологиялар асосида бу ерда янги русумдаги автомобиллар учун бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

— Корхонамизда “GM Uzbekistan” қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган “Chevrolet Cobalt” автомобили учун 180 турдан ортиқ бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилади, — дейди қўшма корхона бош директори ўринбосари Козимжон Акбаров. — Бу ерда ўрнатилган замонавий технологиялар ёрдамида йилига 120 000 автомобиль компонентларини ишлаб чиқариш мумкин.

Мазкур қўшма корхонада 453 янги иш ўрни яратилди. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида йилига 82,7 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 25 миллион доллар миқдоридаги валюта тежалишига эришилади.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

**Суратда:** *корхона ишчилари Салим Тешабоев ва Назир Тоштемиров.*

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат**

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

**24 октябрь куни пойтахтимизда Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикасининг сармоявий салоҳияти ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларига бағишланган симпозиум бўлиб ўтди.**

24 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги Фармони матбуотда эълон қилинди.

25 октябрь куни Республика Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар истиқболи, солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги давлат бюджети ҳамда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳалари ҳар томонлама муҳокама қилинди.




**25 октябрь куни Тошкентда Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон – Британия Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки давлатнинг нефть-газ, савдо-саноат, сармоя, фан-таълим, қурилиш, сайёҳликка масъул вазирлик ва идоралари, концерн ҳамда компаниялари вакиллари қатнашди.**

26 октябрь куни Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий мамлакат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келди. Давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, хотиржамлик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истаклар билдирилган мазкур қутловлар матни матбуотда эълон қилинди.

ОБУНА – 2013

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар!
“HURRIYAT” газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.
2013 йил учун обуна давом этмоқда.
Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг.
Обуна бўлинг!



“HURRIYAT” ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Эслатиб ўтамиз:
“HURRIYAT”нинг нашр индекси – [illegible]

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ ҳамда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Фонди ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимидаги бошланғич ташкилотлар ва “Ёшлар ижтимоий хизматлар марказлари” фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий ўқув-услубий фильмлар ҳамда қўлланмаларни ишлаб чиқиш”.

**Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:**

*1. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимида:*

— умумий ўрта таълим мактаби;

— ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаси;

— олий таълим муассасаси;

— корхона, ташкилот ва муассасадаги бошланғич ташкилотлари учун ўқув-услубий фильмлар яратиш.

*2. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимида:*

— умумий ўрта таълим мактабидаги бошланғич ташкилотининг Ҳуқуқий саводхонлик, Маънавият ва маърифат, Иқтидорли ёшлар, Спорт, саломатлик ва экология, Меҳр-саховат ҳамда Матбуот йўналишлари бўйича;

— ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасидаги бошланғич ташкилотининг Ахборот-таҳлил, Ҳуқуқий саводхонлик, Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар, Ижтимоий-иқтисодий, Иқтидорли ёшлар, Спорт, саломатлик ва экология, Ёшларни чақирувгача тайёрлаш ва ҳарбий-ватанпарварлик ҳамда Матбуот йўналишлари бўйича;

— олий таълим муассасасидаги бошланғич ташкилотининг Ташкилий ва ахборот-таҳлил, Ҳуқуқий саводхонлик, Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар, Ижтимоий-иқтисодий, Иқтидорли ёшлар ва ёш олимлар, Спорт, саломатлик ва экологик маданият, Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ўқишга қабул қилинган талабалар билан ишлаш ҳамда Матбуот йўналишлари бўйича;

— корхона, ташкилот ва муассасадаги бошланғич ташкилотининг Касбий маҳорат ва меҳнат муҳофазаси, Маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш, Ижтимоий таъминот ва маиший масалалар йўналишлари фаолиятларини йўлга қўйиш бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг намунавий йиллик иш режаларини тайёрлаш;

2 ▶▶

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига**

# ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

**Мамлакатимиз хотин-қизларининг жамиятда тутган ўрни, нуфузи, фаоллиги тобора ошиб бормоқда. Бунда, албатта, улар манфаатлари ҳуқуқий жиҳатдан пухта кафолатлангани муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.**

Аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оилада никоҳнинг барқарор бўлиши, фарзанд тарбиясида ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир хиллиги Конституциямизнинг 46, 63, 64, 65, 66-моддаларида ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, хотин-қизларнинг шахсий, ижтимоий, сиёсий, маданий ҳуқуқлари Оила ҳамда Меҳнат кодекслари ва бошқа қатор қонунларда мустаҳкамланган. Шунингдек, хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, аёллар ва ўсиб келаётган авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларнинг тиббий маданияти даражасини ошириш, соғлом авлод туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларда ҳам хотин-қизлар манфаатлари устуворлиги мужассам.

Қонунларимизда аёлларга, айниқса, болали аёлларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, меҳнатни оналик ва болалик билан уйғунлаштириб олиб бориш учун имкон берадиган муайян енгиллик ва имтиёзлар белгиланган бўлиб, уларни амалга ошириш ва рағбатлантириш кафолатлари мавжуд. Масалан, Меҳнат кодексига кўра, шароити ноқулай ишларда аёллар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланади. Шу билан бирга, ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилади ёки улар аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилади.

Ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ҳамда дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга, хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди.



Ҳомиладор, ёш болали аёлларга йиллик таътиллар, уларнинг хоҳишига кўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парвариш таътилидан кейин берилади. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин эса аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади.

Аёлларга бошқа турдаги имтиёзлар ҳам берилган. Бу пенсия таъминоти, оналик ва болалик муҳофазаси билан боғлиқ масалаларда кузатилади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий жараёнларнинг яратувчиси ва фаол иштирокчиси бўлган хотин-қизларнинг ҳар қандай ҳуқуқ-манфаатлари Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонун нормалари билан мустаҳкамланган.

**Сабоҳат ЭШМОНОВА,**
**Чилонзор тумани ФҲДЁ бўлими мудири**

# САЙЛОВЛАР ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси кучли демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида босқичма-босқич ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, юртимизни янада равнақ топтириш йўлида қўлга киритилаётган улкан ютуқлар, юз бераётган ғоят муҳим янгиланиш ва ривожланиш жараёнларини жамоатчилигимиз чуқур ҳис этмоқда, ана шу ўзгаришларнинг амалий самарасига айнан оммавий ахборот воситалари орқали гувоҳ бўлмоқда.**

Шаклланиб келаётган ҳозирги жамиятда оммавий ахборот воситаларига фақат ахборот олишнинг оддий воситаси сифатида қаралмайди. Зеро, мазкур институт нафақат оммавий онгга таъсир этиш имкониятига эга, балки жамиятда юриш-туриш, хулқ-атвор қоидаларини шакллантиришнинг муҳим воситаси сифатида ҳам майдонга чиқади. Бинобарин, бундай шароитда оммавий ахборот воситаларининг фаолияти жамиятнинг барча қатламларига қаратилган бўлиши, уларнинг манфаатларини кўзлаб, умуминсоний тамойиллар асосида, эркинлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилмоғи лозим.

Таъкидлаш лозимки, сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралиги уларнинг қонунийлигини таъминлашда асосий шартлардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, мамлакатда ўтадиган сайловлар тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка очиқ ва ошкора тарзда етказиб берилади. "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари эркин бўлиб, ўз фаолиятини ушбу Қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади. Ҳар ким, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқига эга.

Шу боис ҳам оммавий ахборот воситалари эркин демократик сайловларни ўтказишнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Эркин ва адолатли сайловларнинг мазмун-моҳияти фақат мақбул муҳитда ўз овозини беришдан иборат эмас, балки сайлов жараёнларида барча сайловчиларга сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар, рўйхатга олинган депутатликка номзодларнинг сайловолди дастури, шунингдек, сайлов жараёнининг моҳияти ҳақида тўлиқ ахборот олиш шарт-шароитлари таъминланиши лозим. Бунинг натижасида сайловчилар тўлиқ ва етарли ахборот асосида ўзлари онгли равишда муносиб номзодни танлаб овоз бериш имконига эга бўлиши керак.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида оммавий ахборот воситаларининг сайлов кампаниясини ёритиб бориш, сайловларнинг адолатли ҳамда қонуний ўтишига билвосита кўмаклашиш имконияти ҳуқуқий кафолатланган. Бинобарин, ушбу кафолатлар оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимиз сайлов тўғрисидаги қонунларида назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликлари, мақсад ва вазифалари, бурч ҳамда масъулияти билан ўзаро уйғунлик касб этади.

Албатта, шу ўринда сайлов жараёнлари оммавий ахборот воситаларида қандай тарзда ёритилади, деган савол туғилиши табиий.

Бу борадаги ўзимизнинг тобора такомиллашиб бораётган миллий сайлов амалиёти натижаларига асосланадиган бўлсак, мамлакатимиздаги барча оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганини кенг ёритиши улар фаолиятининг асосий йўналишларидан бири эканлигига амин бўламиз.

Дарҳақиқат, мазкур жараённи сайловчилар учун тушунарли ҳамда холис ёритиш оммавий ахборот воситаларининг муҳим вазифаси саналади.

Таъкидлаш жоизки, эркин ва адолатли сайловлар нафақат муайян муҳитда фуқароларнинг ўз овозларини бериш имконияти таъминлангани, балки уларнинг тегишли номзодлар ва умуман бутун сайлов жараёни тўғрисидаги ахборотларга доир ҳуқуқларни кафолатлаш билан ҳам амалга оширилади. Зеро, ҳар бир сайловчи ўзининг муайян номзодга бўлган овозини ушбу номзод ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлган тақдирдагина ишончли ва асосли бериши мумкин. Шу жиҳатдан олганда, демократик сайловларни эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Оммавий ахборот воситалари ҳар қандай сайлов субъектига ўз фикрини эълон қилиш имкониятини бериб, давлат ва нодавлат тузилмаларига нисбатан ўзига хос таъсирини ўтказади. Шу орқали матбуот жамоатчилик фикрини вужудга келтириши, бузилган ҳуқуқни тиклаш ёки ҳуқуқни ҳимоя қилиш жараёнини амалга оширишга, кишиларда ҳуқуқий онг ва маданиятнинг шаклланишига кўмак бериши мумкин.

Сайловлар жараёнида оммавий ахборот воситалари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан кафолатланганлигини, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор бўлишини ҳам муайян даражада таъминлайди.

Оммавий ахборот воситалари давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайлови жараёнида сайловчиларни хабардор қилишда холис ва ҳаққоний бўлишлари, номзодлар ва партияларнинг тенглиги тамойилини бузмасликлари керак. Айнан ушбу ҳолат оммавий ахборот воситаларининг мазкур жараёнда амалга ошираdiган фаолиятининг хусусияти ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда сайлов субъектлари ўртасида эркин ахборот алмашинувини, сайлов жараёнининг адолатли, демократик талаблар асосида ўтишини ҳамда сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла амалга оширишларини таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этиб, улар томонидан ушбу мақсадга эришиш учун барча ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилганлиги бунинг яққол далилидир.

**Анвар ҚОДИРОВ,**
**Адлия вазирлиги жиноий, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси масъул ходими**

## ҲУСНБУЗАР

Куз кириб келиши билан атрофдаги дов-дарахтлар сариқ-қизғиш тусга кириб, япроқларини бирин-кетин замин узра тўка бошлайди. Бу манзара инсонда ўзгача таассурот қолдириши билан бирга ажиб гўзаллик ҳам яратади. Бироқ йўл чеккасида, ҳовлилар атрофида тўпланиб қолган шох-шаббалар, чиқинди уюмларининг ёқилаётгани бу гўзалликка ҳуснбузар бўлиши аниқ. Хазонларнинг ёқилиши натижасида атрофга тарқаладиган тутун ҳавони турли заҳарли моддалар билан ифлослаб, одамлар саломатлигига зарар етказмасдан қолмайди. Бу ҳол, айниқса, турли хил аллергик, нафас йўллари касалликларини келтириб чиқаради. Энг ёмони — бундай эътиборсизлик натижасида келиб чиқадиган катта-кичик ёнғинлар инсонлар ҳаётини хавф остида қолдиради.

Турли нохуш вазиятларга йўл қўймаслик учун, энг аввало, кўчаларимизни йиғилиб қолган хазон, шох-шабба ва хашак уюмларидан ўз вақтида тозалашимиз, кўп қаватли уйлар атрофида ва уларнинг кириш йўлакларида ёнувчи буюмларни сақламаслигимиз лозим. Бу билан ёнғиннинг келиб чиқиши, у етказадиган моддий зарар ва тан жароҳатларининг олдини олган бўламиз.

**Б.СИДДИҚОВ,**
**12-ҲЁХО 26-ҲЁХҚ кичик инспектори**




## «SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖда ташкил қилинган савдолар натижалари ҳақида хабарнома

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ тизимида 2012 йил 1 октябрдан 2012 йил 30 октябрга қадар бўлиб ўтган тўғридан-тўғри музокаралар йўли билан ташкиллаштирилган кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлари савдоларда жами — 12 920.0 минг сўмлик, 7 та кўчмас мулк объектлари сотилди.

***«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ да 2012 йил 5 сентябрдан, 30 октябрга қадар бўлиб ўтган аукцион савдолари натижалари тўғрисида маълумот:***

| Объект номи | Жойлашган манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) | Савдо санаси |
|---|---|---|---|---|
| 111-сон ер майдони | Қоракўл т. Тинчлик МФЙ | 375200 | 490 000 | 05.09.2012 й |
| 42-сон ер майдони | Қоракўл т. Тинчлик МФЙ | 375200 | 488 800 | 09.10.2012 й |
| 43-сон ер майдони | Қоракўл т. Тинчлик МФЙ | 375200 | 488 800 | 09.10.2012 й |
| 186-сон ер майдони | Қоракўл т. Тинчлик МФЙ | 375200 | 488 800 | 09.10.2012 й |
| 187-сон ер майдони | Қоракўл т. Тинчлик МФЙ | 375200 | 490 000 | 09.10.2012 й |
| 188-сон ер майдони | Қоракўл т. Тинчлик МФЙ | 375200 | 488 800 | 09.10.2012 й |
| 3-сон ер майдони | Вобкент т. Тўқимачи кўчаси | 850 000 | 50 000 000 | 15.10.2012 й |

Реклама

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ АУКЦИОН НАТИЖАЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ: БУХОРО ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

2012 йил 26 сентябрь куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида Ромитан шаҳар, А.Темур кўчаси, 4-уйда жойлашган "Пахтасаноаттранс" МЧЖ балансидаги 1989 йилда и/ч "ГАЗ-5204" русумли, д/р 20 AR 350, бошланғич баҳоси 4 420 460 сўм бўлган автотранспорт воситаси 5 100 000 сўмга сотилди.

2012 йил 17 октябрь куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида Бухоро туманида жойлашган "Gala Osiyo Trans Plus" балансидаги 1975 йилда и/ч "ТО-18" русумли, д/р К-120, бошланғич баҳоси 14 078 026 сўм бўлган автотранспорт воситаси 16 215 000 сўмга сотилди.

*Гувоҳнома № 004059*



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ ҳамда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Фонди

**ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**


(Бошланиши 1-бетда.)


3. "Ўзбекистон Республикаси ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонунда белгиланган ёшлар ижтимоий хизматларини ташкил этиш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимида "Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази"нинг фаолиятини йўлга қўйиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш, унинг намунавий Низоми ва йиллик режасини тайёрлаш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати:

2. Жамоат фондининг www.fondngo.uz, "Камолот" ЁИҲнинг www.kamolot.uz ва Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Фондининг www.ngo.uz сайтларида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан).

***Битта лойиҳа учун ажратилган грант миқдори — 15 миллион сўмгача.***

Ҳужжатлар 2012 йил 25 октябрдан бошлаб 2012 йил 26 ноябргача соат 17-00 гача қабул қилинади.

*Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт.*

**Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат Фондининг расмий сайтида танишиш мумкин:**

**www.fondngo.uz. Маълумот учун тел.: 239-26-64; 239-26-76.**



Реклама

## «SHAD SAVDO ZAMIN» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиш тартибида ўтказиладиган «Очиқ аукцион» савдоларига таклиф этади

**1.** Аукцион савдоларига Бухоро вилояти Давлат мулкини бошқариш бошқармасининг 2012 йил 29 октябрдаги 14 а-сонли буйруғи ҳамда Қоракўл туман ҳокимининг 2012 йил 5 октябрдаги 733-сонли қарорига асосан якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича Қоракўл шаҳар «Дўстлик" МФЙ Тинчлик кўчаси ҳудудидан ҳар бири 400 кв.м.дан иборат 5 (бош режа бўйича 12,13,14,15,16- сонли) та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 375 200 сўмдан.

Аукцион савдоси **2012 йил 3 декабрь куни соат 11:00 да Қоракўл тумани ҳокимлиги** биносида бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш 2012 йил 1 декабрь куни соат 18:00 да тўхтатилади. Мазкур ер участкалари 2012 йил 3 декабрь куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдолари орқали сотилмаган тақдирда ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2012 йилнинг 10, 17, 24, 31 декабрь кунлари соат 11:00 да Қоракўл тумани ҳокимлиги биносида бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар бўйича буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо кунидан бир кун олдин (якшанбадан ташқари) тўхтатилади.

Талабгорлар диққатига!

Савдога қўйилган ер участкалари билан туман ҳокимлиги вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига қатнашиш учун буюртманома, закалат келишуви, закалат пули тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома (нотариал тасдиқланган ишончнома жисмоний шахслар учун) тақдим этилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш мазкур эълон чоп қилинган кундан бошлаб 2012 йилнинг 20 ноябрига қадар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда, 20 ноябрдан сўнг Қоракўл тумани ҳокимлиги биносида 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларига қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Савдо ташкилотчиси» **«SHAD SAVDO ZAMIN»** масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар Ипотека банк Сардор филиалидаги МФО 00119 СТИР 302097424, 20208000504935078001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 20 (йигирма) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан кам бўлиб қолган тақдирда етишмаётган миқдорини шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг аукцион савдоларининг ташкил этилиши ва ўтказилиши жараёнида юзага келиши мумкин бўлган қонун бузилиш ҳолатларига доир масалалар юзасидан туман ҳокимликларига ёзма ва телефон орқали, Давлат мулкини бошқариш Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг 8 (365) 223-09-00, 223-99-03 телефон рақамига ҳамда Давлат мулки қўмитасининг 8 (371) 259-21-37 "Ишонч телефон"ларига мурожаат қилиниши мумкин;

**Буюртманомалар қабул қилинадиган ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.**

***«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ. Бухоро шаҳри Мустақиллик кўчаси 10-уй Телефонлар: 8 (365) 223-69-62.***

**Лицензия RR-0048**

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

# Банк кредитлари — тараққиёт омили

AGROBANK

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Бу саъй-ҳаракатлар туфайли шаҳар-у қишлоқларимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгарди, халқимиз турмуш даражаси фаровонлашди.

Табиийки, бу эврилишларнинг бари юртдошларимизнинг дунёқараши ўзгаргани, тадбиркорликнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаб фаолият юритаётгани билан боғлиқдир. Албатта, юрт ободлиги, мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишни ният қилган ҳар қандай кишининг пок ниятига етишида молиявий қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда банк тизимининг равон ишлашига жиддий эътибор қаратилди. Банк-молия тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бундан омилкорлик билан фойдаланган тижорат банклари нафақат юртимизда, балки жаҳондаги нуфузли молиявий ташкилотлар орасида ҳам юқори рейтингларни қўлга киритиб келмоқда. Ана шундай молия муассасаларидан бири «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банкидир.

Республикамиздаги энг йирик банклардан бири ҳисобланмиш мазкур молия муассасаси иқтисодиётимизнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаш бўйича самарали фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда «Агробанк» ОАТБнинг Самарқанд вилоятида 19 та туман ва шаҳар филиали, 27 та мини банк ва 28 та махсус кассалари фаолият кўрсатаётган бўлса, айни пайтда улар томонидан 25 мингдан зиёд юридик ва жисмоний шахсга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатилмоқда.

Бошқарманинг жамланма капитали 2012 йил 1 январида 15,6 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 9 ойлик якунлари бўйича 19,2 миллиард сўмга етди. Банкнинг вилоят бошқармаси активлари 2012 йил 1 январида 133,7 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг 1 октябрига келиб бу кўрсаткич 242,8 миллиард сўмга етди. Жорий йил бошига нисбатан банк кредит қўйилмалари 1,9 баробарга ўсди ҳамда 1 октябрга келиб бу миқдор 148,8 миллиард сўмга етди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг бандлик даражасини ошириш мақсадида бошқарма томонидан ўтган вақт мобайнида якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда кичик бизнес субъектларига 34 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Улар ҳисобидан қишлоқ жойларидаги юқори инновацион лойиҳалар молиялаштирилиб, 3428 та янги иш ўринлари яратилди.

Вилоятдаги тадбиркор аёлларни рағбатлантириш мақсадида «Агробанк» ОАТБнинг Самарқанд вилояти бошқармаси 3,5 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ йўналтирди. Бугунги кунда банкда 1775 нафар тадбиркор аёл ўз ҳисоб рақамларини очишган. Банк томонидан тадбиркор аёлларга ажратилган кредитлар эвазига 357 та янги иш ўринлари ташкил этилганини таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, ёрдамчи фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш учун мижозларга жами 2,8 миллиард сўм миқдорида кредит берди.

Банк томонидан вилоятдаги бўш турган ва иқтисодий ночор корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг қувватларини ошириш орқали янги иш ўринларини яратиш дастурига асосан Тойлоқ туманидаги «Yang Gu Bog'izog'on Agro» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасига молиявий ёрдам кўрсатилди. Йўналтирилган 300 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит эвазига корхона картошка уруғликларини янги нанотехнологиялар асосида кўпайтириш ускунасини сотиб олди. Бугун тўла қувват билан ишлаётган корхонада 15 та янги иш ўринлари яратилиб, йилига 10 минг тонна картошка уруғини етиштириш имкони яратилди. «Сиёвуш Самарқанд» масъулияти чекланган жамиятига ҳам ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш технологиясини сотиб олиши учун банкнинг инвестицион кредити ажратилган эди. Айни пайтда кредит эвазига сотиб олинган ускуна суткасига 60 тонна уруғни қайта ишлаш қувватига эга.

Бундан ташқари, аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига кенгроқ жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Пировардида 25 хилдан зиёд юқори фоизли омонат турларини жорий этиш ҳисобига омонатчилар сонининг ошишига эришилди. Аҳоли омонатлари қолдиғи йил давомида 135 фоизга ошди. «Агробанк» ОАТБ томонидан банк ликвидлилигини ошириш ва мижозларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига самарали жалб қилиш мақсадида 14 ой муддатга номинал қиймати 1 миллион сўм бўлган йиллик 12 фоизли депозит сертификатлари чиқарилган. Ушбу депозит сертификатларига эгалик қилувчи юридик шахслар 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинадиган фоизли даромадлари солиққа тортилмайди. Муомалага чиқарилган депозит сертификатлардан 2 миллиард сўмдан ортиғи жойлаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, «Агробанк» ОАТБнинг Самарқанд вилоят бошқармаси жойларда тадбиркорлик субъектлари ва ташкилотларга сифатли банк хизмати кўрсатиш орқали жамиятимиз ривожига камарбаста бўлмоқда.

**Абдуғани СОДИҚОВ**

Реклама

«МУСТАҲКАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ» ТАНЛОВИГА

# Амударёда шундай оила бор

Ҳаётнинг синовлари кўп. Аммо нима бўлганда ҳам унда аниқ мақсад сари дадил одимлаган инсонгина муродига етади. Амударё туманидаги «Қиличбой» овул фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Аҳмаджон Камолов умри давомида нималарни кўрмади, дейсиз. Бироқ қачонлардир яхши кунлар келишига ишониб яшади. Ана шу ишончга таяниб, беш ўғил ва бир қизнинг тарбиясига жиддий аҳамият қаратди.

Ҳеч эсидан чиқмайди: бир йили қаҳратон совуқ бўлиб қолганига қарамай, мактаб ўқувчиларини пахта йиғим-теримидан қайтаришни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмади. Туман йиғилишида овул фаоли сифатида масалани кўндаланг қўйди. Лекин уни қўллаб-қувватлаш ўрнига тазйиққа олишди. Бир оғиз тўғри сўзни айтгани учун олти ой турли идораларга қатнагани, тушунтиришлар ёзгани ҳамон кўз ўнгида. Ҳолбуки, ўқувчилар эртамиз эгалари эканлигини ўшанда ҳам барча яхши биларди.

Ёшлар келажаги учун қайғуриб, танбеҳ эшитган, тазйиққа олинган кезларида чеккан оҳ-нолаларини кўриб, фаришталар ҳам уни қўллагани рост бўлиб чиқди. Ўша воқеадан кўп ўтмай, юртимиз мустақиллиги эълон қилинди. Истиқлолни катта мамнуният ила кутиб олган отахон, аввало, ўз фарзандларининг ўқишига, таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратди. Пухта билим олишларига, спорт билан шуғулланишларига ўзи бош бўлди.

Тўнғич фарзанди, ҳозирда туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Қаҳрамон Камолов эгнига илк бор ички ишлар идоралари ходими либосини кийиб хонадонга кириб келганида укалари, сингллиси уни ўраб олишган, унга ҳавас билан боқиб, атрофида гирдикапалак бўлишганди. Ота-онасининг қувончи эса ниҳоятда чексиз эди.

Аҳмаджон бобо илк орзуси ушалганини яширолмади.

— Ўғлим, — деди у. — Сен кийган либос оддий кийим эмас, мустақил юртимизнинг устувор қонунларини, халқини ҳимоялаш рамзи. Оиламиз фахри, обрўйи бўлишингга, либосингга муносиб хизмат қилишингга ишонаман!

Ота дуосини олган Қаҳрамон зиммасидаги масъулият янада ортганини яхши биларди. Чунки, аввалambor, ўша кезларда ёш давлатимизни кўролмайдиган, унга ҳасад билан қаровчилар фақат четда эмас, ўзимизда ҳам топилар, улар турли жиноятларни содир этиб, фуқаролар тинчлигига раҳна солишга уринишар, бу эса ички ишлар ходимидан ўта зийраклик, фидойиликни талаб этарди.

Ана шундай кунларнинг бирида туманнинг чегара ҳудудидаги овулда жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берилади. Қаҳрамон бошчилигидаги гуруҳ воқеа жойига бориб ишни ўрганишга киришади. Гапнинг рости, аҳвол жуда оғир эди: башанг кийинган, соқолли номаълум кимсалар уч-тўрт хонадон аҳлига жиддий зарар етказиб, жуфтакни ростлаганди. Ёш бўлса-да, ўз соҳасини пухта ўзлаштирган ходим «иссиқ из»ни топди. Динни ниқоб қилиб олган ақидапарастлар ниятларига етолмади. Эрта тонгда қўлга олинди...

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигидан Аҳмаджон Камолов номига юборилган миннатдорлик хатида шундай жумлалар бор: «Вояга етказган фарзандингиз билан сиз қатори биз ҳам ҳақли равишда фахрланамиз. Мустақил юртимиз фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоялашда кўрсатаётган фидойилиги сафдошларига ибратдир. Эл манфаатини ўзиникидан устун қўйган ўғлингизнинг келажаги ва камолини кўриб юринг».

Йиллар шамолдек ўтиб боравераркан. Аҳмаджон бобо фарзанди тўғрисида илк бор бошқалардан илиқ сўзлар эшитганида ҳали миннатдорликлар оқими кўп бўлишини, нафақат «Қиличбой» овул фуқаролар йиғинида, қолаверса, туманда обрў топишини ўйламаганди. Боз устига, катта фарзандига ҳавас қилган тўрт ўғли ҳам акаси изидан боришини у қаердан билибди.

Дарвоқе, мазкур хонадондан етишиб чиққан беш нафар ички ишлар ходимини кўрган киши давлатимиз раҳбарининг «Ҳар бир милиция ходими, аввало, инсондир, аммо ҳар ким ҳам милиция ходими бўла олмайди» деганларини эсга олади. Чинданда, ички ишлар ходими зиммасидаги масъулият юки жуда оғир. Буни фақат юрагида ўти бор мард ва жасур инсонларгина кўтара олади.

Айни пайтда тўнғич акасига ҳавас қилиб шу соҳани танлаган Нурбек майор, туман ИИБ навбатчилик қисмининг катта инспектори. Унинг ўз хизматини пухта ўзлаштиргани боис раҳбариятнинг ана шу қайноқ бўғиндан кўнгли тўқ. Чунки ҳар бир хабар ва топшириқ меъёрига етказиб бажарилади. Ойбек эса республика ИИВ академиясида кафедра бошлиғи, подполковник. Бўлажак ходимларнинг танлаган соҳаларини ўзлаштиришларида унинг муносиб ҳиссаси бор.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ тергов бўлими ходимлари майор Отабек Камоловдан ибрат олишга интилишади. Ака-укаларнинг кенжаси, капитан Нодирбек Амударё тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚҚ инспектори. Яқинда у ҳам акаси каби жасорат кўрсатди. Касб-корининг тайини йўқ бир гуруҳ кимсалар ноқонуний равишда қўшни давлатдан истеъмолга яроқсиз маҳсулотларни айланма йўллар орқали яширин равишда олиб ўтишга уринаётганда тезкор гуруҳ томонидан қўлга олинди. Бунда Нодирбекнинг фаол иштирок этгани раҳбарият томонидан эътироф этилди.

Бу сулола эришган ҳар битта ютуққа алоҳида таъриф бериб ўтирмадик. Зеро, сафдорликдан капитан, майор, подполковник даражасигача босиб ўтилган йўллар осон кечмаслигини соҳадагилар яхши билишади. Барчасининг ортида виждонан хизматга ёндашиш, жиноят ва қонунбузарликларга муросасизлик, энг муҳими, бурчга садоқат мужассамдир.

— Фарзандларимиз туфайли обрў-эътибор топаяпмиз, — дейди Аҳмаджон бобо. — Тез-тез кўришиб туриш имкони камроқ. Буни, айниқса, турмушдошим билан яхши тушунамиз. Бироқ байрам ва бошқа тадбирларда хонадонимиз ҳақиқий тўйхонага айланади. Бир оиладан кўпчилик битта соҳада ишлашнинг ўрни бўлакча экан. Ўғилларим ўзаро гурунгда кўпроқ ўз тажрибаларини ўртоқлашади. Ана шунинг учун ҳам улардан кўнглимиз тўқ, раҳбарларидан раҳматномалар олганимизда бир неча ёшга ёшаргандек бўламиз.

Истиқлолга шукр, шундай дориломон кунларни кўриб, ундан баҳра олишга имкон берди. Ким эдик, бугун киммиз, деган фикр қайта-қайта кўнглимиздан ўтаверади. Шундай кезларда мустақиллигимиз боқий бўлиб, фарзандлар туфайли қадр топиш ҳар кимга насиб этсин дейман...

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**журналист**

СОЛИҚ

## Оилавий корхоналарга енгиллик

Юртимизда халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришда оилавий корхоналарнинг ролини ошириш мақсадида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2010 йил 30 мартдаги ПФ-4210-сонли Фармонига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармонида соҳа вакиллари учун бир қатор қулайлик ва имтиёзлар кўзда тутилган. Жумладан, юқорида тилга олиб ўтилган Фармоннинг 1-бандига киритилган қўшимчаларга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 мартдаги «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ оилавий корхоналар халқ бадиий ҳунармандчилиги ва қўлда ишланган амалий санъат буюмларини сотишдан олинадиган даромаддан 2014 йилнинг 1 январигача бўлган даврда ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилади.

Солиқ тўлови учун белгиланган ушбу имтиёз халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатининг асрий анъаналарини тиклаш ва янада юксалтиришга, қолаверса, юртимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга, пировардида, оилалар фаровонлигини оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиз.

**А.ИБРАГИМОВ,**
**Учтепа туман ДСИ бўлим бошлиғи**

## Қонуний ишлаган қоқилмайди

Республикамизда пул муомаласи тизимини такомиллаштириш, банкдан ташқари накд пул айланмасини қисқартириш, аҳолининг банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида Урганч шаҳрида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳудуддаги 1471 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчасининг 1300 тасида банк терминаллари ўрнатилган. Бунинг натижасида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аҳолининг пластик карточкалардан фойдаланиши қарийб 1,5 баробарга ошди.

Хабарингиз бор, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 апрелдаги «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширувчи назорат-касса машиналари ягона техник талабларга мос келиши ва «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланган тартибда мажбурий сертификациядан ўтказилиши лозим. Шунингдек, ушбу қарорда мазкур талабларга жавоб бермайдиган НКМлардан фойдаланиш шахсларни жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши ҳам белгиланган.

Қарор ижросини ўрганиш учун Урганч шаҳар ДСИ томонидан режадан ташқари қисқа муддатли текширувлар мунтазам ўтказиб турилади. Масалан, жорий йилнинг дастлабки саккиз ойи давомида ҳудудий комиссия рухсатига асосан 58 та хўжалик субъектида ана шундай амалиётлар амалга оширилди. Натижада 39 та ҳолатда НКМларини ишлатмаслик, 15 та ҳолатда НКМ ўрнатмасдан ва 3 та ҳолатда қатъий ҳисобда турувчи квитанциялардан фойдаланилмасдан савдо қилингани (хизматлар кўрсатилгани) аниқланди. 18 та ҳолатда эса ҳужжатсиз товар моддий бойликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилиб, 32 шахсга нисбатан бўйича тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди, 14 та ҳолат буйича жиноий иш қўзғатилди.

**Маҳмуд МАТЁҚУБОВ,**
**Урганч шаҳар ДСИ бўлим бошлиғи**

СОҲА ФАОЛИЯТИДАН

# Йўллар равонлиги — турмуш фаровонлиги



Авваллари Самарқандга йўл олганимда, биринчидан 4 соат бир жойда қимирламай ўтириб кетиш, иккинчидан йўлнинг нотекисликлари анча ўйлантирарди. Айниқса, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари оралиғидаги автомагистраль ҳар қандай йўловчини ҳам чарчатарди. Чунки бу оралиқдаги йўлнинг сифати анча қониқарсиз аҳволда эди.

Бугун бу йўлдан ўтаётганлар йўлсозларнинг берилиб ишлаётганининг гувоҳи бўлиб, уларга тасаннолар айтишаяпти. Фойдаланишга топширилган йўлдан юрган машиналарнинг бир текисда ҳаракатланаётганини кўрган кўз қувнайди. Бундай лаҳзаларда «Яшаворинг, йўлсозлар!» дегинг келади.

Хабарингиз бор, республикамизда ўтган қиш мавсуми ўта серёғин бўлди. Шу боис, кўпгина йўллар яроқсиз ҳолатга келди. Уларнинг катта қисми тўлиқ таъмирдан чиқарилган бўлса, айримларини қайтадан қуришга тўғри келди. Бу ишлар ҳозир ҳам босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси ўринбосари Шуҳрат Назаров бу ҳақда шундай дейди:

— Президентимизнинг 2010 йил, 21 декабрдаги қарори билан тасдиқланган Инвестиция дастури асосида жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида 220 километрдан кўпроқ йўл янгитдан қурилди. Умуман олганда, юқоридаги қарор қабул қилинганидан то бугунга қадар республикамиз бўйича 1440 километр йўл қурилиб, 12420 километрдан зиёд йўл эса қайта таъмирланди.

Яна бир гап: йўлларимизнинг асосий қисмини тўрт тасмали йўлга айлантириш ва унинг устки қисмидаги қопламалар ва геометрик ўлчамларини 10 тонна оғирлик-меъёрий бирликдан 13 тонна оғирлик-меъёрий бирликка ўтказиш учун ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, ана шундай бунёдкорлик ишлари сирасига «Бейнов — Қўнғирот — Бухоро — Навоий — Самарқанд — Тошкент — Андижон» йўналиши бўйича 1008 километр автомобиль йўлини қуриш ва реконструкция қилиш, Қамчиқ довони бўйлаб «Тошкент — Ўш» автомобиль йўлидаги 100 километрли йўлни қайта қуриш ва реконструкция қилиш, Тошкент халқа йўли бўйлаб 22 километрли айланиб ўтиш йўлини ниҳоясига етказиш ва бошқа ўнлаб залворли қурилишларни киритиш мумкин.

Шу ўринда Инвестиция дастури доирасида амалга оширилган йўл қурилишларидан бирининг аҳамияти ва иқтисодий самараси ҳақида тўхталиш ўринли: Фарғона водийсидаги вилоятларнинг қулай ва қисқа автомобиль йўллар орқали боғланишини таъминлаш мақсадида қурилаётган 55 километр узунликдаги Қўқон шаҳрини айланиб ўтувчи йўл фойдаланишга топширилиши билан масофа 14 километрга қисқаради. Бундан ташқари, "Тошкент — Андижон" йўналиши бўйича бир кунда ҳаракатланаётган 7 мингдан ортиқ автотранспорт воситаларининг юқори тезликда, вақт ва ёқилғини тежаган ҳолда манзилларига етишига имконият яратилади.

Инвестиция дастурига мувофиқ, 2015 йилга қадар Ўзбек миллий автомагистрали таркибидаги яна 1487 километр автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда тўрт тасмали йўлга айлантириш, умумий фойдаланувдаги автомобиль йўлларини асл ҳолатида сақлаш ва жорий таъмирлаш ишлари учун 34,9 миллион АҚШ доллари қийматидаги 444 та машина-механизм ва ускуналарнинг харид қилиниши, 24 та йўл қуриш-таъмирлаш корхонасининг ишлаб чиқариш ва саноат базаларини модернизациялаш назарда тутилган.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

# ЖУРНАЛИСТ СЎЗИ — ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИДА

## Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган долзарб мавзулардаги таҳлилий, танқидий материаллар хусусида

(Бошланиши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов жорий йилда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига касб байрами муносабати билан йўллаган табригида соҳа ходимлари олдида турган муҳим вазифаларга тўхталар экан, ҳаёт воқелигини ҳаққоний ва холис акс эттиришда журналист ўзини аямасдан, ўз устида тинимсиз ишлаши, касбига садоқатли бўлиши, ўз ҳаётий принципларидан қайтмасдан, виждон амри билан яшаши лозимлигини таъкидлаган эди.

Президентимиз ўз табригида матбуот сўзининг таъсирчанлигини ошириш, энг муҳим чиқишларга жамоатчилик эътиборини қаратиш учун биринчи навбатда самарали фаолият кўрсатадиган аниқ тизим ташкил қилиш, бу борада Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳар чорак якуни бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг долзарб, энг ўткир материалларни алоҳида қайд этиб, баҳолаб, бу ҳақда матбуотда ахборот бериб боришини таклиф этди. Бунда, айниқса, таҳлилий ва танқидий чиқишларга алоҳида аҳамият бериш, бу билан журналистларнинг оғир меҳнатини эътироф этиш ва қадрлаш, айни пайтда бу материалларда кўтарилган муаммоларни ҳал этишга жамоатчиликнинг, биринчи навбатда, жойлардаги давлат бошқаруви идоралари ва мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг эътиборини жалб қилиш лозимлиги таъкидланди.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошида тажрибали журналистлар ва экспертлардан иборат доимий мониторинг гуруҳи шакллантирилди. Гуруҳ томонидан жорий йилнинг июль-сентябрь ойларида мамлакатимиз газета ва журналлари, радио ва телеканалларида эълон қилинган 400 га яқин энг долзарб мавзулардаги таҳлилий ва танқидий чиқишлар атрофлича ўрганилди.

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, кейинги вақтда оммавий ахборот воситалари, ижод аҳли мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларидаги муаммоларни ёритишга янада масъулият билан ёндашмоқда. Бунда асосан иккита йўналиш: юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар ҳамда жамият маънавий-маданий ҳаётига доир масалаларни миллий манфаатлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, эришилган ютуқларни эътироф этиш билан бирга, мавжуд муаммоларга танқидий кўз билан қараш масъулиятининг ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хусусан, Ўрта Осиё минтақасидаги трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммолари, мамлакатимизда аниқ мақсадга йўналтирилган давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши, табиий газ ва ичимлик сув таъминоти, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўзгаришлар, шаҳар ва қишлоқларда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан бирга, баркамол авлод таълим-тарбияси, замонавий касб-ҳунарга эга бўлган коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, ёшлар маънавий оламига салбий таъсир этувчи турли иллатларга қарши курашиш, одам савдоси ва гиёҳвандлик иллатлари, эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, мафкуравий таҳдидлар моҳиятини чуқур англаб етишга қаратилган тарғибот масалалари шулар жумласидандир.

Қуйидаги мисоллар ҳам юқорида айтилган фикрларни тасдиқлайди. "Халқ сўзи" газетасида чоп этилган "Яна бир бор Роғун ГЭСи қурилиши ҳақида" сарлавҳали мақолада (13 июль) Тожикистонда қурилаётган Роғун ГЭСининг минтақа учун ҳалокатли оқибатлари атрофлича таҳлил қилинган. Бу масала кейинги йилларда нафақат мамлакатимиз, балки минтақа учун нақадар долзарблигини эътиборга олсак, мақоланинг аҳамияти янада яққол намоён бўлади. Халқаро ҳамжамият эътиборига ҳавола этилиб, республикамизнинг кўплаб марказий ва маҳаллий нашрларида қайта чоп этилган ушбу мақола чуқур ўйланган илмий фактларга қурилгани билан эътиборни тортади.

"Ҳуррият" газетасида чоп этилган "Йўллар йўлларга туташ, муаммолар ҳам" номли мақолада (11 июль) Самарқанд вилоятида йўллар ва кўприклар носозлиги соҳа ходимларининг эътиборидан четда қолаётгани, "Самавтойўл" ташкилоти фаолиятидаги камчиликлар рўй-рост ёритилиб, асосли танқид қилинган. Танқид — келажак меваси, деганларидек, мақола эълон қилингач, унда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ишлар бошлаб юборилгани эътиборга молик.

"Солиқ ва божхона хабарлари" газетасида чоп этилган "Олма пишганда келинг. Ёки бозорлардаги камчиликлар бартараф этилиши учун яна қанча қовун пишиғи бор?" номли мақолада (20 сентябрь) Қашқадарё вилояти бозорларидаги қатор муаммо ва камчиликлар асосли танқид қилинган.

Бугунги кунда жойларда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнини кузатиш, мавжуд камчиликларга ҳушёр нигоҳ билан қараш борасида ҳудудий нашрлар ҳам ўзига хос ўрин тутмоқда.

"Риштон ҳақиқати" газетасида "Директорлар лоқайдми?" сарлавҳаси остида эълон қилинган (20 июль) танқидий мақолада тумандаги айрим таълим муассасалари фаолиятида кўзга ташланаётган камчилик ва нуқсонлар танқид қилинган. Ушбу мақола вилоят халқ таълими бошқармасининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама этилиб, ундаги далиллар ўз тасдиғини топган. Йиғилиш қарорига асосан, тумандаги 4 та мактаб директори вазифасидан озод этилган, яна уч нафарига "ҳайфсан" берилган.

Бироқ, босма нашрларда эълон қилинаётган айрим танқидий материалларга, айниқса, юқоридаги каби аниқ манзилли ва фуқароларни ташвишга солаётган масалаларга доир чиқишларга тегишли мутасадди ташкилотлар, афсуски, ҳар доим ҳам етарлича эътибор қаратаётгани йўқ.

Давлатимиз раҳбари "одатда ОАВда кўпчиликни ўйлантираётган долзарб мавзулар кўтарилади, лекин давлат ва ҳокимият вазифаларида ўтирганлар, жамоатчилик вакиллари томонидан етарлича аҳамият берилмаслиги туфайли улар кўпинча эътибордан четда қолиб кетади. Бундай ҳолат, масалага панжа орасидан қараш, аввало, шу мақола ва кўрсатувни юрагидан ўтказиб, катта меҳнат билан тайёрлаган журналист ва муаллифларнинг ижодий изланишларига салбий таъсир кўрсатиб, қўлини ишдан совутиб қўяди. Энг ёмони, бу чиқишларда кўтарилган масала ва муаммолар бундай беparволик натижасида эски ҳолида ўзгармасдан қолиши иқтисодиётимиз ва ҳаётимизга катта зарар етказиши муқаррар", — дея таъкидлаган эди.

Биргина "Истеъмолчи" газетасида эълон қилинган Сирдарё вилоятидаги почта алоқа бўлимлари хизматидаги камчиликлар танқид қилинган "Сифатсиз иш — келтирар ташвиш" (5 июль), Самарқанд шаҳридаги хусусий уй-жой ширкатлари фаолиятидаги нуқсонлар тилга олинган "Ширкатлар фаолияти қониқарлими?" (26 июль), газ ва электр таъминотидаги муаммолар, соҳа ходимлари фаолиятидаги камчиликлар таҳлил этилган "Асоссиз узилган қувур" (9 август), "Ваъдабозлик" (13 сентябрь), "Электроснабжение: поставщики и потребители" (20 сентябрь) каби танқидий чиқишларга мутасаддиларнинг ҳанузгача тегишли муносабат билдирмаётгани юқоридаги фикрлар нақадар асосли эканини кўрсатади.

Бугунги кунда энг таъсирчан ахборот воситаси ҳисобланган теле- ва радиоканаллар орқали берилаётган таҳлилий, танқидий чиқишлар ҳам диққатга сазовор.

Хусусан, "Ўзбекистон" телеканалининг 13 июлда эфирга узатилган "Нигоҳ" кўрсатувида пойтахтимизни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, бунда аҳоли масъулиятини кучайтириш масалалари, айни дамда шаҳар озодалигига путур етказаётган омиллар, уларнинг сабаблари атрофлича таҳлил қилинган ва масалага мутасадди раҳбарлар эътибори жалб этилган.

"Тошкент" телеканалидан эфирга узатиб келинаётган "Очиқ мулоқот" туркум кўрсатувлари кўп сонли телетомошабинлар эътирофига сазовор бўлаётганини таъкидлаш лозим. Пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий масалалар таҳлилига оид муаммолар тегишли шаҳар ва туман ҳокимлари, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида таҳлил этилиши, танқидий лавҳалар, уларда кўтарилган масалаларга бевосита студияда раҳбар ходимларнинг эътибори қаратилаётгани томошабинларга манзур бўлмоқда. Айни пайтда туман ва шаҳарлар раҳбарлари зиммасидаги масъулиятни ҳам кучайтирмоқда. Бундай руҳдаги кўрсатувлар бошқа телеканаллар дастурларидан ҳам ўрин олса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шулар қаторида "Ёшлар" радиоканалининг 18 сентябрдаги "Бугуннинг гапи" дастурида санъат соҳасидаги муаммолар, хусусан, айрим қўшиқчиларнинг фонограммадан фойдаланиш масаласида қонунбузарликка йўл қўйиш ҳолатлари далиллар асосида танқид қилинганини айтиш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси томонидан эфирга узатилаётган "Нуқтаи назар" рукнидаги туркум кўрсатувларда Нукус шаҳрининг айрим умумий овқатланиш жойлари, деҳқон бозорлари ва маиший хизмат кўрсатиш объектларидаги санитария талабларига зид ҳолатлар, йўл қурилиши, ичимлик сув таъминотидаги камчиликлар таҳлил этиб келинмоқда. Мазкур кўрсатувларда танқид қилинган масалаларни Нукус шаҳар ҳокимлиги жойида ўрганиб чиқиб, камчиликларни бартараф қилиш бўйича чоралар кўриб бораётганини қайд этиш лозим.

Биз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган масала — касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш борасида йўл қўйилаётган камчиликлар Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг "7 кун" (1 июль), Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг "Долзарб мавзу" кўрсатувларида (15 июль) аниқ мисоллар асосида таҳлил этилган.

Сурхондарё вилоят телерадиокомпаниясининг 26 август куни эфирга узатилган "Тақиқ белгиси" кўрсатувида вилоят почта алоқа хизмати тизимининг айрим раҳбар ходимлари мансаб ваколатларини суиистеъмол қилаётгани, бунинг салбий оқибатлари чуқур таҳлил қилинган ва кўрсатувдан сўнг мутасадди ташкилотлар томонидан тегишли чоралар белгилаб олинган.

Кейинги вақтда нодавлат телеканалларнинг ҳам бу борадаги фаоллиги ортиб бораётганини эътироф этиш жоиз. Улар томонидан эфирга узатилган таҳлилий материалларда (мониторинг гуруҳи 34 та ана шундай материални кўриб чиқди) асосан экология, маънавий-маданий масалалар, коммунал хизмат ва бошқа ижтимоий соҳаларга оид муаммоли масалалар танқидий нуқтаи назардан ўрганилган.

Хусусан, "Ишонч-ТВ" телеканали (Сурхондарё вилояти) ходимлари томонидан тайёрланган "Инсон онгига таҳдид" кўрсатувида миссионерлик фаолияти билан шуғулланган кимсаларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари фош этилган, бу иллатнинг ижтимоий хавфи ва уни бартараф этиш муаммолари атрофлича таҳлил қилинган.

"Фазо-ТВ"нинг (Навоий вилояти) 17 июлда эфирга узатилган "Тил — миллат кўзгуси" кўрсатувида Навоий шаҳри кўчалари, айрим корхона ва ташкилотлар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари пештоқларидаги ёзувларда учрайдиган имловий хатолар ва бунга мутасаддиларнинг эътиборсизлик билан қараётгани танқид қилинади.

Мониторинг гуруҳи оммавий ахборот воситаларидаги долзарб мавзудаги таҳлилий, танқидий чиқишларни атрофлича ўрганиб, қуйидаги умумий хулосаларга келди:

1. Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи талаб этаётган огоҳлик, ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси билан қараш, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётимизда учраётган салбий ҳолатларни очиб ташлаш, уларга қарши курашиш масалаларида журналистларнинг қатъий позицияси алоҳида роль ўйнамоқда. Ҳудудий ва нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистларнинг долзарб мавзуларда танқидий, таҳлилий материаллар тайёрлаш юзасидан фаоллиги ортиб бормоқда.

2. Материалларни ўрганиш жараёнида уларнинг 64 таси республика миқёсидаги муаммоларни қамраб олгани, ҳудудлар таснифига кўра, энг кўп танқидий материаллар Самарқанд (31 та), Сурхондарё (29), Қашқадарё (25 та) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (24 та)даги турли корхона ва ташкилотлар фаолиятига тегишли экани маълум бўлди. Энг кам танқидий-таҳлилий материаллар Қорақалпоғистон Республикаси (7 та), Хоразм ва Наманган вилоятлари (9 тадан) ҳиссасига тўғри келади.

3. Энг кўп таҳлилга тортилган мавзулар — коммунал хизмат, куз-қиш мавсумига тайёргарлик, газ таъминоти масалалари, экологик муаммолар, йўл қурилиши, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидаги жараёнлар билан боғлиқ. Шунингдек, маънавий юксалиш, ёшлар камолоти масалалари, одам савдоси, гиёҳвандлик каби жиноятларга қарши кураш муаммолари ҳам журналистлар диққат марказида турганини алоҳида қайд этиш лозим.

4. Мониторинг давомида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган таҳлилий-танқидий чиқишларга мутасадди ташкилот раҳбарларининг муносабати масаласига ҳам эътибор қаратилди. 400 га яқин материалнинг 72 таси бўйича тегишли идораларнинг жавоблари олинган ёки муайян чора-тадбирлар кўрилган, холос.

Мониторинг натижаларидан кўриниб турибдики, республикамиз оммавий ахборот воситалари ва журналистлар томонидан жойлардаги мавжуд аҳволни холисона таҳлил қилиш, камчилик ва нуқсонларга самарали ечим топиш, ҳаётимизнинг турли жабҳаларида учраётган салбий ҳолатларни бартараф этишга интилиш ҳаракатлари фаоллашган.

Албатта, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган таҳлилий ва танқидий материалларга давлат идоралари, бошқарув органлари, мутасадди ташкилот раҳбарларининг муносабати асосида мавжуд муаммолар ўз ечимини топиши юртимиз тараққиёти, жамиятимиз равнақи, ҳаётимиз фаровонлигига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Оммавий ахборот воситалари фаолияти, матбуот сўзининг таъсирчанлигини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлардан кўзда тутилган мақсад ҳам аслида шу.

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги мониторинг гуруҳи**

---

**АНЪАНАВИЙ УЧРАШУВ**



Устозга ҳурмат-эътибор кўрсатиш, уларнинг қимматли ўгитлари, панд-насиҳатларига қулоқ тутиш халқимизга хос бўлган муқаддас қадриятлардан биридир. Таҳририятимиз учун одатга айланган навбатдаги учрашувга таниқли ёзувчи, Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати Омон Мухторнинг ташрифи жамоамиз аҳлини беҳад қувонтирди.

# КАСБ МАСЪУЛИЯТИ

У ёзувчи сифатида ўзига хос услуби билан халқимиз дилидан тезда жой топган бўлса, журналистлик маҳорати, юрт дардини ўз дардидан устун қўя олганлиги билан эл назарига тушган катта ижодкорлардан бири. Сўзининг йўсини юмшоқ бўлса-да, мўлжалга аниқ тегиши ва самимийлиги билан меҳр қозонган.

Ёзувчи ёш журналистларни қизиқтирган саволларга ўз тажрибаларидан келиб чиқиб жавоб берар экан, жумладан шундай деди: "Журналистнинг энг ишончли қуроли ҳақ сўздир. У қай бир замонда ноўрин отилган тошларга нишон бўлиши мумкин, аммо вақти келиб эл-юрт олдида албатта юзингизни ёруғ қилади. Мартабангиз кўзга кўринмай ўтиши мумкин, лекин халқ назаридаги, виждонингиз олдидаги мартабангиз улуғ бўлиши шубҳасиз.

Бизнинг навқиронлик давримизда қадриятларимиз ҳақида жўшиб гапириш у ёқда турсин, тилга олишнинг ўзи катта хато саналарди. Мана, ҳозирги дориломон кунларда ҳар бир гапимизнинг негизида миллий қадриятларимиз акс этиб туради. Омадимиз келгани шу-да.

Мен ҳеч қачон шон-шуҳрат орқасидан қувмадим, нимаики ёзган бўлсам, одамларнинг дилидагини топиб айтишга, кўнгилнинг оғриқ нуқталарига малҳам қўйишга интилдим. Сизларнинг ҳам ана шу йўлдан юришингизни истардим".

Омон Мухтор яна ҳар бир сўзнинг кучи-ю залвори нақадар юксак эканлиги, журналист ҳеч қачон ўқиш ва изланишдан тўхтаб қолмаслиги ҳақидаги қимматли мулоҳазаларини билдириб ўтди. Айниқса, фикрини ҳаётий мисоллар ва шеърий мисралар билан ифода этгани таҳририятимиз ходимларига манзур бўлди. Бундай учрашувларни янада кенгайтириш адабий муҳитни вужудга келтириб, ёш қаламкашлар ижодий қиёфасининг шаклланишига ёрдам беради.

Ёзувчининг ҳаёт йўли ва фаолиятига назар солиб, инсон хокисор бўлиб ҳам оламга акс-садо бера олиши мумкин, деган хулосага келасиз. Тўрт сатрни қойиллатиб қўйиб, ўз-ўзига маҳлиё бўлиб қолган айрим ёшларга катта сабоқ бўлишга арзигули умр. Зеро, ижодий мулоқотларнинг самарасию мақсади ҳам ана шунда.

**Ш.ҲАКИМОВА**

---

**ТАДБИР**



## «Маҳорат мактаби» самараси

**«Маърифат» — «Учитель Узбекистана» газеталари қошида ўн йилдан буён «Талаба-журналистлар маҳорат мактаби» фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг бу галги тингловчилари ЎзМУ журналистика факультети талабалари бўлди.**

Бу йилги маҳорат мактабининг ўзига хос жиҳати шуки, унда таълимни рус тилида олиб борувчилар учун алоҳида дарслар ўтказилди. Танлов асосида саралаб олинган тўрт нафар талаба тўрт ой мобайнида «Учитель Узбекистана» газетаси ходимлари тажрибасини ўрганишди. Улар мусаҳҳиҳдан имло қоидалари, муҳаррирдан таҳрир санъати, фотомухбирдан суратга олиш сирлари бўйича сабоқ олдилар.

Тадбирда Мадина Рўзматованинг «Мен журналистман ёки касб қандай танланади?», Алина Қурбонованинг «Тажрибадан яхшироқ устоз йўқ», Валентина Шатуновскаянинг «Журналистикадаги биринчи қадамим» деб номланган тақдимотлари намойиши ҳам бўлиб ўтди.

— Журналист амалиётсиз журналист эмас. Биз «Маҳорат мактаби»дан жуда кўп билимларни олдик. Назария амалиёт билан уйғун ҳолда олиб борилди. Бир қанча хабар ва мақолаларимиз чоп этилди. Бунинг учун таҳририят ходимларига ўз миннатдорлигимни билдираман, — дейди мактаб битирувчиси Мадина Рўзматова.

— «Талаба-журналистлар маҳорат мактаби» учун алоҳида хона ажратилган бўлиб, у компьютер, проектор каби зарур ускуналар билан жиҳозланган. Ўзининг фаоллиги, таълим соҳасидаги янгиликларга қизиқиши, изланувчанлигини намойиш эта олган Алина Қурбонова ва Мадина Рўзматова таҳририят томонидан эълон қилинган танловнинг «Энг яхши янгилик», «Талаба-журналистнинг энг яхши материали» каби номинацияларида ғолиб бўлди, — дейди «Маҳорат мактаби» модератори Гулмира Камилова.

Тадбир сўнгида тингловчиларга сертификат ва эсдалик совғалари топширилди.

**Мадина МИРЗАҚОБИЛОВА**

АДАБИЙ ПОРТРЕТ

# Муҳаммад Али — публицист

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, таниқли шоир Муҳаммад Алининг ижодий салоҳияти ҳозиржавоб жанр бўлган публицистикада ҳам яққол кўринади.

Ёзувчининг "Ўз-ўзингни англаб ет" деб номланган эссеси ҳозирги "Туркистон" газетасида 1988 йил 30-31 август сонларида эълон қилинганида дарҳол жамоатчилик диққатини ўзига тортганди. Чунки асар миллатимиз тарихига бўлган нохолис муносабат, уни ўрганиш, умуман тарих ва ҳозирги замон муаммолари ҳақида долзарб, жўяли фикрлар, кескин мулоҳазалар жамлангани билан эътиборли эди.



Зеро, 1980-90 йилларда, марказнинг "ўзбеклар иши", "пахта иши" дея ўйлаб топилган туҳматлари туфайли кўплаб бегуноҳ кишилар қамалиб, ноҳақликлар юз бераётган оғир паллаларда мана шундай мулоҳазали эссенинг матбуотда чоп этилиши чинакамига матонат намунаси эди.

Эссе муқаддимасида ўқиймиз: *"Марказий телевидениенинг "Позиция" деган бир кўрсатувида... Бухоро ва Самарқанддаги осори-атиқаларнинг ўзбек халқига дахли йўқ(!) қабилидаги тахминни ўртага ташладилар. Бу фикрга мутлақо қўшилиб бўлмайди. Шундай савол туғилади: бу кўҳна шаҳарлардаги ёдгорликларнинг ўзбек халқига дахли бўлмаса, кимга дахли бор экан? Арабларгами? Мўғулларгами? Русларгами? Бундай саволлар кишини ўйлантириб қўяди, хаёлни чувалтиради.* ***Ҳақ талашмоқ ёмон нарса, лекин ҳақиқат учун курашмоқ ҳам фарзу ҳам қарздир***" (Таъкид бизники — **А.А.**).

Адиб ушбу эссесини шунчаки, бир ўтиришда ёзиб ташламаган, албатта. Эссени ёзиш асносида муаллиф Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк", Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Алишер Навоийнинг "Тарихи мулуки Ажам", "Муҳокамат ул-луғатайн" ва В.Бартольд асарларига мурожаат қилади. Аниқ манбаларга суяниб ёзилгани боис, у фактик материалларга жуда бой. Катта изланишлар меваси бўлган бу асар халқнинг юрагида акс-садо бермай қолмади. Одамлар эссени қидириб ўқидилар, газета таҳририятига миннатдорлик хатлари ёғилди.

Таниқли олим Қозоқбой Йўлдош ушбу эссе ҳақида: *"...шўровий мустамлака исканжаси ҳали жуда мустаҳкам бўлган 1988 йилда ёзилган "Ўз-ўзингни англаб ет" асари миллий тарихшунослигимиз тараққиётини, миллатимиз аҳлининг ўзини таниш жараёнини бир неча йилга тезлатди"* ("ЎзАС", 2003й., 14 октябрь) деб ёзгани бежиз эмас эди.

Муҳаммад Али бундан кейин ҳам долзарб мавзуларда ўзининг публицистик чиқишларини тўхтатмади. Хусусан, 1990 йилда "Ҳақиқатдан чекинма, тарих" эссесини ёзди. "Мулоқот" журналида босилган, кейинчалик адибнинг "Ошиқ бўлмай Ҳақ дийдорин кўрса бўлмас" (1992) китобига киритилган, уч қисмдан иборат ушбу эсседа муаллиф, биринчидан, алифбо муаммосини кўтарди, иккинчидан, миллат тарихидаги муҳим муаммолардан бири — Туркистон мухторияти, Қўқондаги ўн минглаб бегуноҳ одамларнинг дашноқлар томонидан аёвсиз қириб ташланганини аниқ фактлар асосида исбот қилиб берди ва "босмачи" деган сўз ҳақида чуқур мантиққа эга мулоҳазаларини баён этди. Жумладан, ёзувчи босмачи деганда нимани тушунамиз, деб савол қўяди ва мантиқдан келиб чиқиб, сўзнинг луғавий маъносини таҳлил этади ва инқирода турган одам ҳеч қачон босмачи бўлолмаслигини исботлаб беради.

Ёзувчининг Хожа Аҳмад Яссавийга бағишланган "Ошиқ бўлмай Ҳақ дийдорин кўрса бўлмас" эссеси 1991 йили "Халқ сўзи" газетасида эълон қилинди. Муҳаммад Али эсседа жуда ўринли ва ишонарли ғояни ўртага ташлайди. Ёзувчи туркий миллат, ўзбек халқи маданиятининг уч таянчи бор эди, дейди. *"Тилимизнинг қомусини яратган Маҳмуд Қошғарий, буюк ахлоқий достон ҳадя этган Юсуф Хос Ҳожиб каби сиймолар қаторида, "Ғариб Аҳмад сўзи ҳаргиз қаримас, Агар эр остига кирса чуримас", деб ёзган Хожа Аҳмад Яссавий ҳам ўз фалсафаси билан турк ислом маданияти тамал тошини қўйган, бу маданиятнинг оёққа турғизишида улуғ хизмат кўрсатган зотлардан бўлиб қолди. Улар том маънода маданиятимиз асосчилари саналадилар... Биз бу ҳақиқатни ҳамма жойда ҳар қачон фахру ифтихор билан айтмоғимиз, олам аҳлига етказмоғимиз керак".*

Истиқлол шарофати билан Муҳаммад Али АҚШдаги Вашингтон университетининг кутубхонасида ўтириб, Амир Темурга оид асарларни, бизга маълум бўлмаган китобларни излашга киришди, турли йилларда нашр қилинган энциклопедияларни варақлади. Натижада "Амир Темур чамани" (2003) деган эссе дунёга келди.

Муҳаммад Али 1996 йилда Вашингтон университети талабалари учун "Сталин қатағонлари даврида Марказий Осиё зиёлилари" мавзусида махсус курс ўқиди ва бу кейинчалик "Қафасдаги булбуллар" деган эссега асос бўлди. "Мен кўрган Америка" китобига киритилган бу эсседа муаллиф кўплаб ўзбек адибларини тарғиб қилди, уларнинг асарларини инглиз тилига таржима қилинишига кўмаклашди. Бир неча америкалик олимлар билан учрашиб, адабий алоқаларни ривожлантириш борасида мулоқотлар олиб борди.

Муҳаммад Алининг "Мен кўрган Америка" эссесида Америка ҳақида бизнинг адабиётимизда, эҳтимолки, илк марта аниқ ва тўғри маълумотлар берилди. Масалан, Американинг туб халқи индианлар (ҳиндулар)нинг адабиёти ва ҳаётини ҳам жиддий ўрганди. Асарнинг "Ғариб оламдан четда. Индианлар" бобида келтирилган ҳиндулар ҳаёти, тарихи ҳақидаги диққатга сазовор маълумотлар сўзимиз исботидир.

Айтиш керакки, кейинги пайтларда адиб публицистикасида Амир Темурнинг ҳаёти ва даврига бағишланган мақолалар етакчи ўринни эгаллайди. Жумладан, Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига адибнинг «Амир Темур чамани» деган катта китоби босилиб чиқди. Унда ёзувчи ижодидаги Амир Темурга оид бўлган, соҳибқирон даври ёритилган шеърлар, ҳикоялар, романлардан парчалар, пьесалардан намуналар қатор, алоҳида бир бўлим эссе ва мақолаларга ажратилди.

Адибнинг 2005-2010 йилларда яратилган "Бунёдкорнинг толеи", "Темурий маликалар", "Бу камолот гаҳи назмга майл қилур..." "Оламни адлу эҳсон била обод этибмен", "Соҳибқирон фарзандлари", "Халқ яратган даҳо" каби эссе ва публицистик мақолалари ўзининг мазмундорлиги, фактларга бойлиги билан ажралиб туради.

Муҳаммад Алининг публицистик жанр унсурларидан айрим насрий асарларида унумли фойдаланганини сезиш мумкин. Бу табиий ҳол. Чунки публицистика ҳужжатлилик билан бадиийлик қоришиқ келадиган жанрлардан ҳисобланади. Фактик материалларни бадиий тўқима билан уйғунлаштиришда публицистика ёзувчига бир мактаб бўлиши, шубҳасиз. Муҳаммад Али публицистикаси шу ҳолатнинг яхши намунаси бўлиши баробарида ёзувчининг қалами чархланишига хизмат қилмоқда. Хусусан, ёзувчининг 2005 йилда ўзига хос услубда ёзилган "Абадий соғинчлар" роман-хроникасига ана шу саъй-ҳаракатлар самараси сифатида қаралмоғи керак.

Адиб ушбу асарига бир оилани мисол қилиб олади. Милодий 1887 йилда туғилган, 1911 йилда илм олиш учун Наманганданикки йилга Бухорога, ундан сўнг Маккага йўл олган Саид Маҳмудхон Тўранинг саргузаштларга тўла ҳаёти, саргардонликлар, турли сабабларга кўра умуман Ватанига қайтиб кела олмагани тасвирланади. Ул зот Ватан соғинчида дунёдан кўз юмганидан кейин кўп йиллар ўтиб, ота васиятини амалга оширган ўғли Насруллоҳ Тўра Ватанга қайтиб келади. Бу роман-хрониканинг фабуласи. Лекин ёзувчининг романдан кўзлаган мақсади ниҳоятда кенг. Асарда Саид Маҳмудхон Тўра баҳона, тарихда ўтган, илм олишга интилган бобокалонларимиз ҳаётига ҳам назар ташлаб ўтишга улгуради. Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Исо ат-Термизий, Қаффол аш-Шоший, Маҳмуд аз-Замахшарий каби буюк сиймоларнинг ҳаётига оз-оздан назар ташлаб, уларнинг айримлари Ватанига қайта олмаганидан афсусланади, айримларининг эса юлдузлари порлаб, қуёшлари оламга нур таратиб, ҳурмат-эъзозда ҳеч нарсага муҳтож бўлмай турган бир пайтда, Ватанга қайтиб келганларини улуғлайди. Имом ал-Бухорий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Абу Исо ат-Термизий, Қаффол аш-Шоший каби сиймолар бутун оламни ўзига қаратиб турган пайтда Ватанга келадилар ва кўп вақт ўтмасдан бу ерда оламдан ўтадилар. Уларнинг хоклари она тупроқ бағрида... Ёзувчини мана шу нарса ҳайратлантиради ва буларни асарнинг бош қаҳрамони Саид Маҳмудхон Тўра хаёлидан ўтгандек қилиб таърифлайди.

Айни пайтда, қадим-қадимларда Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий каби улуғ боболар ҳам Саид Маҳмудхон Тўра сингари юртга қайтишолмади. Бу тақдир ҳукми. Мақсад халқнинг илмга, урфонга қаттиқ интилганини, илм йўлида ҳар қандай нарсалардан воз кечишга, ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга тайёр турганларини, фидойи эканларини кўрсатишдан иборат. Улар шундай йўл тутиб юртнинг шаънини кўкларга кўтардилар. Уларнинг бойлиги, топган-тутганлари абадий соғинч бўлиб қолди.

Муҳаммад Алининг адабиётнинг тезкор жанри бўлган публицистикада ҳали-ҳануз олдинги марраларда жонбозлик кўрсатиб келаётгани қувончлидир. У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан юртимиз вилоятларини кезиб, фидокорона меҳнат қилаётган инсонлар ҳақида ажойиб публицистик мақолалар ва бадиий очерклар яратмоқда.

Адиб "Туркистон" газетасининг 2012 йил 28 январь сонида ўзининг "Улуғ аждодлардан мерос шижоат" номли публицистик очеркини эълон қилди. Ўзбекистон Қуролли Кучлари 20 йиллиги байрамидан кейинги ўйлар мазмунида ёзилган бу очерк ўзининг долзарблиги, теран мазмуни билан дарҳол ўқувчилар назарига тушди. Очеркда Қуролли Кучларимиз ва Соҳибқирон Амир Темур армияси ўртасидаги руҳий боғланишлар, ворисийлик алоқалари, мустақил Ватан армиясини Юртбошимиз томонидан ташкил этиш жараёнлари тарихий фактлар асосида қизиқарли ёритилган. У "Adib" нашриёти томонидан китоб ҳолида нашр этилди.

Шуни қониқиш билан айтиш лозимки, адиб кейинги вақтларда ўз мавқеини йўқотган очерк жанрининг қаддини тиклашга ҳисса қўшмоқда. Унинг "Сулола" ("Шарқ юлдузи", 2012 йил 1-сон), "Жаҳонга айтилган сўз" ("Жаҳон адабиёти" 2012 йил 1-сон), "Ёшлик" журналида, "Халқ сўзи", "Ўзбекистон овози", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Ишонч", "Моҳият", "Ҳуррият", "Тошкент оқшоми" газеталарида чоп этилган "Ўзбекистон кўчаси", "Саноатнинг ажиб диёри", "Ота ва ўғил", "Дардоқдан чиққан ардоқли ўғил", "Жаҳонга айтилган сўз", "Ҳаёт ҳикмати", "Кенжа қиз ҳақида ҳикоя", "Меъмор", "Абдураҳим тоштарошнинг набираси" каби ва бошқа кўплаб очерклари фикримиз далилидир.

Муҳаммад Алининг озод юрт одамларига бағишланган, замонамиз қаҳрамонларини васф этган бадиий очерклардан иборат "Замондошим портретига чизгилар" ("Адиб", Тошкент, 2012 й.) китоби сўнгги йилларда бироз оқсаётган очерк ва публицистика жанрини жонлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди, десак адашмаймиз.

**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,**
**ЎзМУ доценти**

МУЛОҲАЗА

# Телефондаги танишув

## тўйга сабаб бўлди, аммо...




Ҳалимахон аянинг ёлғиз ўғлини 19 ёшида уйлантиришидан мақсад фақат орзу-ҳавас эмасди. Ўзларига қолса, аввал бу йил институтни тамомлаётган қизи Нигорани турмушга узатиб, икки-уч йилдан сўнг ўғлини уйлантиришмоқчи эди. Лекин телефон деган «бало» орқали узоқ вилоятдаги қишлоқлардан бирида яшайдиган қиз билан тасодифан танишиб қолган ўғли «севги дардига мубтало» бўлдию, ҳаммаси ўзгача тус олди.

Уззу-кун қулоғидан телефон тушмайдиган Умиджон коллежни ҳам бориб-бормай тамомлади. Олий ўқув юртига киролмагач, бекор юрмасин, деб отаси ишга жойлаштириб қўйди. Фикри қочган Умиджон кутилмаганда онасига совчиликка боришдан оғиз очди.

Ҳалима опа аввалига ҳазиллашяпти, деб унга уйланиш эрталигини, олдинда опасининг тўйи турганини, қолаверса, оилани эплаш учун аввало бирор ишнинг бошини тутиши зарурлигини тушунтирди. Ўғил эса агар айтган қизига тезроқ совчи бўлиб боришмаса, уйдан бош олиб чиқиб кетишини айтиб, сўзида туриб олди. Ҳар қанча тушунтирилмасин, барчаси бефойда, у ҳеч кимга қулоқ солмади. Ҳатто еб-ичмайдиган, ҳеч ким билан гаплашмайдиган одат чиқарди.

Ўғлининг бу аҳволидан хавотирланган ота-она: «Узоқдан келин олиш пешонамизга ёзилган бўлса иложи қанча? Аввал совчиликка борайлик, қизни кўрайлик, уйидагилар билан танишайлик. Эҳтимол, улар узоққа қиз узатмаймиз, деб рози бўлишмас. Мабодо розилик билдиришса, бошини боғлаб қўйиб, бирор йилдан кейин тўй қилаверамиз-да», — дея манзил бўйича қизнинг уйини топиб боришди. Бўлажак келин ҳам, унинг ота-онаси ҳам Ҳалима опага маъқул бўлди. Ҳар икки томоннинг розилиги билан нон синдирилди, тўй кейинга қолдирилди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас қиз томондан хабар келди. Бувисининг тоби қочгани учун иложи бўлса, тўйни эртароқ ўтказиш сўралди. Куёв томон бунга ҳам рози бўлди. Тезда тараддудланишиб, биров билиб-биров билмаган ҳолда тўй ҳам ўтди. Келинчак чиройли, муомаласи ширин, шевада гапириши ҳам ўзига ярашиқли эди. Уй-юмушларида уқувли, қўлидан чеварчилик ҳам келар экан. «Битта келин шунчалик бўлар-да, узоқдан бўлсаям ўғлимизнинг пешонасига ёмон қиз битмабди-ку!»

Эр-хотин ана шундай деб бир-бирларини юпатганлари билан кўнгилларининг бир четида жиндек ғашлик ҳам йўқ эмасди. «Нега энди шу пайтгача шундоқ яхши қизни қишлоғидагилар совчи қўйиб, илиб кетишмаган экан?..»

Тўй ташвишлари тугагач, икки ҳафталардан кейин ҳамма ўз юмушига кўмилди. Шундай кунларнинг бирида бозор-ўчарни қилиб қайтган Ҳалима опа келинчакни ҳовлидан оқиб ўтувчи ариқ бўйида ётганини кўриб қолди. Унинг юзлари, лаблари кўкариб кетган, тили, кўзи орқага тортиб, оғзидан кўпик келиб, хириллаётганига кўзи тушди-ю, қўрқиб кетди. Зудлик билан етиб келган "Тез ёрдам"-дагилар келинчакнинг тутқаноқ дарди борлигини айтишди. Бунга ишониш қийин эди. Келинга, шундай экансан, деб айтиш ундан-да оғир эди. Бу орада куёвда ҳам ғалати ўзгаришлар сезилди. Умиджон онасига ёрилди:

— Ойи, ҳомиладорлик бошланса, баъзилар ўзини билмай ғалати аҳволга тушиб қоладими? Негадир кечаси келинингизнинг икки марта тоби қочди. Ўзига келгач, сўрасам: «Қўрқманг, бу вақтинчалик, ўтиб кетади», — деб тинчлантирди. Ростдан шунақамикан?

Аёл ўша куниёқ келинининг соғлигини текширтириш учун туман марказий шифохонасига олиб борди. Афсуски, шифокорлар унда болаликдан тутқаноқ касали бўлганини аниқлаб, оила қуриш, туғиш соғлиғи учун хавфлилигини тушунтиришди. Бу ҳақда келинчакка айтишмади. Қудалар чақиртирилиб, гаплашилди. Улар эса: «Чиллада ўтирса, қолиб кетади», — деган гапга ишониб турмушга узатишганини айтиб, афсусланишди. Узр сўраб, қизларини кўч-кўрони билан олиб кетишди. Бунга ҳеч ким қаршилик кўрсатмади. Ҳатто бир-бирини яқиндан билмай, телефон орқали турмуш қурган икки ёш ҳам бунга моненлик қилмади. Уларнинг ширин турмуши бир ойга бориб-бормай якун топаётгани ачинарли эди. Лекин нима бўлганда ҳам ғишт қолипдан кўчган, сўнгги пушаймондан фойда йўқ эди. Ҳалимахон опа юрагидагиларни собиқ қўшниси Саломатхон опа билан учрашиб қолганида тўкиб солди.

— Шунақа денг... Эссиз, яхши иш бўлмабди, — дея бош чайқади қўшниси. Сўнгра: «Асли телефонда танишиб, уйланаётган битта сизнинг ўғлингиз эмас. Лекин шукур қилингки, касали юқумли эмас экан. Бир ҳамкасбим, қизимнинг ёши ўтиб, ўтириб қолаяпти, деб телефонда танишган йигитига шартта узатиб юборувди. Тиббий кўрикни ҳам таниш-билиш орқали тўғрилашган экан! Дарров миси чиқди. Тўйдан ярим йил ўтгач, келинчак ҳомиладор бўлиб, аёллар шифокорига учрабди. Текширувлар, таҳлиллар жараёнида ОИТСга чалингани аниқланибди. Кейин билишса, бу унга эридан ўтган экан... Ҳечқиси йўқ, ўғлингиз ҳали жуда ёш. Эси кириб, бошқа турмуш қилишга вақт бор. Қизининг айбини яшириб, эрга берган қудаларингиз ўзидан ўпкаласин!

Эҳтимол, кимдир бу фикрга қўшилар. Лекин атиги бир ойча яшаган икки ёш мисолида англаганимиз, халқимиз шуурида муқаддас саналмиш оила ва никоҳга ҳурматсизлик қилинди. Афсуски, турмуш қуриш масаласида ўта «маданийлашиб» бораётган айрим юртдошларимиз ана шундай енгил-елпи танишувлар орқали тўй қилишяпти. Турмуш қураётганларнинг ҳар жиҳатдан бир-бирига мослиги инобатга олинмаяпти. Етти пуштини сўраб-суриштириш баъзиларнинг назарида эскилик сарқитидек туюляпти. «Замонавийлик»ка муккасидан кетган бундай одамларнинг бемаъни ишлари туфайли дунёга келаётган гўдак эса туғилмасидан отасизликка маҳкум. Тан оласизми-йўқми, бундай ажрашган, нотинч оилалар сонининг ўсиши ногирон, кўнгли ўксик (балки тарбиясиз!) болаларнинг кўпайишига ўз таъсирини ўтказмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди!

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугун оила қуриш масаласига ҳар қачонгидан ҳам жиддийроқ ёндашиш зарурлигини таъкидламоқни лозим топдик. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгилаб қўйилганидек, жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли хил зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини ошириш асосий вазифаларимиздан биридир.

**Шаҳзода АКБАРОВА,**
**журналист**

БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

## Вояга етмаганларни ишга қабул қилиш тартиби

***— Фермер хўжалиги раҳбариман. Айрим ота-оналар фарзандларини ёзги таътил пайтида бекор юрмасин деган мақсадда ишга қабул қилишни сўрашади. Айтинг-чи, вояга етмаганларни ишга қабул қилиш тартиби қандай?***

**Зафаржон Бердиев**
***Тошкент вилояти***

*Меҳнат кодексининг 77-моддасига мувофиқ, ишга қабул қилишга 16 ёшдан бошлаб йўл қўйилади. 15 ёшга тўлмаган шахслар эса ота-онасидан бирининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин. Таълим муассасасида таҳсил олаётган ўқувчи-ёшлар 14 ёшга етганларидан сўнг ота-онасидан бирининг розилиги билан ўз соғлиғи ва тарбиясига зиён етказмайдиган ишларни фақат ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилинади.*

*Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар учун банд қилинган иш жойларига маҳаллий меҳнат органлари томонидан юборилган 18 ёшга тўлмаган шахслар ишга қабул қилиниши шарт.*

*Меҳнат қонунчилигида ёшларнинг иш вақти қатъий белгилаб қўйилган. Унга кўра, 17-18 ёшдаги ходимнинг иш вақти ҳафтасига 24 соатдан ошмаслиги лозим.*

**Саволга Тошкент вилояти Янгийўл тумани ДНИ нотариуси Гулбаҳор ФАКИРОВА жавоб берди.**

Тузатиш

**«TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ**
**риэлторлик ташкилоти ахбороти**

«Ҳуррият» газетасининг 2012 йил 10 октябрь 40-сонида чоп этилган якка тартибда уй-жой қуриш учун фуқароларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқларини (сотиш ҳуқуқисиз) аукцион савдолари орқали сотиш тўғрисидаги эълоннинг 7-хатбошисидаги **«савдо ташкилотчисига қоплаб бериш»** сўзларидан сўнг, **«ер участкасида мавжуд муҳандислик иншоотларини ўз ҳисобидан кўчириб ўтказиш»** сўзлари билан тўлдириб ўқилсин.

*Мурожаат учун телефон:142-51-15;*
*расмий электрон почтамиз: TPI.uz*

**Лицензия:№RR-0109.**

МУТОЛАА

# “Тафаккур” саҳифаларида

“Тафаккур” журналининг янги, 4-сони адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулнинг “Нима дейсиз, замондош?” рукни остидаги “Кимки беишқ илму дониш истагай...” деб номланган суҳбати билан очилади. Муаллифнинг Навоий ижодий мероси ва ҳозирги миллий маънавият, бозор иқтисодиёти талаблари ва илм аҳлининг ахлоқий қиёфаси, сўз санъатида реалистик ва модернистик тамойиллар муносабатига доир фикр-мулоҳазалари ҳассослиги ва ҳаққонийлиги билан журналхон эътиборини тортишига шубҳа йўқ.

Маълумки, XXI аср инсоният олдига кун сайин янгидан-янги муаммоларни кўндаланг қўймоқда. Журналнинг ана шундай масалаларни ёритувчи “Янги аср муаммолари” рукнида бу гал ёш тадқиқотчи Аброр Юсуповнинг “Иккинчи тўфон” сарлавҳали мақоласи чоп этилган. Муаллиф фикрича, Нуҳ тўфонига қиёсан “иккинчи тўфон” деб юритилаётган ахборот оқимидан бугун миллий манфаатларимиз йўлида оқилона фойдалана олмоқ, ҳеч бир муболағасиз, ҳаёт-мамот масаласидир.

Яна бир навқирон муаллиф Хуршид Йўлдошевнинг “Ақл мунозараси” рукни остидаги “Ахлоқийлик меҳвари” мақоласи диндорлик ва ахлоқ муносабатлари тадқиқига бағишланади. Муаллиф бир қанча далилларга асосланиб, бу борадаги турғун қарашлардан жиддий фарқ этувчи хулосаларни баён этадики, айни ҳол баҳс-мунозараларни келтириб чиқарса, ажаб эмас.

“Нега китоб қаҳрамонларига ҳамдардлик қилган қалбимиз реал воқелик ўлчовида бошқа хил тарози тутади? Нега романлардаги жасоратларни шарафлаймиз-у, ҳаёт бизга юзма-юз келтирган жасорат лаҳзаларини энг оддий кундалик манфаатга алиштириб қўяқоламиз? Нега адабиётдаги ва ҳаётдаги инсонларни баҳолаш меъёрларимиз турлича?..” Ушбу мулоҳазалар адабиётшунос олима Нодира Афоқованинг “Сурат ва сийрат” рукнида берилган “Ботиндаги илоҳий ҳакам” мақоласидан олинди. Демак, мақолани мутолаа қилган ўқувчи муаллиф билан бирга ана шу саволларга жавоб излайди.

“Тарих сабоқлари” рукни остида чоп этилган “Дукчи эшон ва Николай Иккинчи” мақоласининг муаллифи Мансурхон Тоиров мустамлака Туркистон ўлкасида зулмни авж олдирган Русия императори билан ушбу истибдодга қарши халқ қўзғолонига бошчилик қилган Муҳаммад Али халфа тақдиридаги фавқулодда ўхшаш нуқталарга диққатни қаратади.

Таниқли шоир Хуршид Давроннинг кўп йиллик китобхонлик тажрибасидан баҳраманд этувчи “Мувозанат йўли”, тарихчи олим Сотимжон Холбоевнинг мазкур фан методологияси муаммоларидан баҳс юритувчи “Уч асрлик уйдирма”, адабиётшунос Отабек Жўрабоевнинг буюк адиб Абдулла Қаҳҳор архиви билан таништирувчи “Ардоқли дастхатлар” мақолаларини ҳам журналхон завқ билан мутолаа қилади.

Журналнинг ушбу сонидан бир неча сара бадиий асарлар ҳам жой олган. Рус тилида ижод қилувчи юртдошимиз Суҳбат Афлотунийнинг “Гумроҳлар” ҳикояси (Шоҳсанам таржимаси) бир аср бурунги ҳаёт манзараларини кўз олдимизда қайта жонлантиради. 75 йиллик таваллуд тўйи арафасида турган забардаст адиб ва таржимон Иброҳим Ғафуровнинг “Оқ дафтар” деб аталган туркум мансураларида эса умр ва хотира, борлиқ ва қалб, ҳақиқат ва сўз... бобида теран лирик-фалсафий мушоҳада юритилган.

Мазкур сонда, шунингдек, навқирон илм аҳлларининг бир қанча мўъжаз тадқиқотлари билан танишишга ҳам муяссар бўласиз.

Қуйида 4-сондан ўрин олган мақолалардан айрим парчаларни ҳукмингизга ҳавола қилмоқдамиз.




НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

## “КИМКИ БЕИШҚ ИЛМУ ДОНИШ ИСТАГАЙ...”

*Адабиётшунос олим Иброҳим ҲАҚҚУЛ билан суҳбатдан*

[...] Тушунмаслик билан тушунишни истамаслик айни бир нарса эмас. Навоийни ўрганиш масаласида оммада истакдан кўра лоқайдлик кайфияти устунроқ. Сабаб нима? Сабаби кўп ва шошилмасдан уларга жавоб излаш керак. Навоий ижодиётини оломон савиясига мослаш ёки қандайдир юза мақсадни кўзлаб оммалаштириш мумкинми? Бундоқ ҳаракат Навоийни ўқувчидан баттар узоқлаштиради. Улуғ санъаткорлар асарларини англашдаги мушкулотлар ҳамма вақт бўлган. Бундан кўз юммаслик лозим. “Оддий немис халқи Гётени, оддий французлар Мольерни, ҳатто инглизлар Шекспирни ўқимайди...”, дейди машҳур рус адиби Иван Тургенев. Бошқа халқларнинг баъзи даҳо ижодкорлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Масалан, Пушкинни олайлик. Марина Цветаева “Менинг Пушкиним” дея ўзига хос бир китоб ёзгани билан, қанчадан-қанча рус қаламкашлари Пушкин ижодиётига руҳан ҳеч яқинлик сезмаган. Александр Твардовскийнинг ёзишича, кўпгина ёш рус шоирларида Пушкинни пухта ўрганиш истаги бўлмаганидек, ҳар қайси қалам соҳибининг Пушкинга борадиган алоҳида йўли бўлиши зарурлигини улар хаёлга ҳам келтирмаган.

Минг қатла шукрким, “Менинг Навоийим” дейишга ҳақли адибларимиз бўлган: Айний, Ойбек, Мақсуд Шайхзода... Ана шу ижодкорлар ва фидойи зиёлилардан ўрнак олиб, имкон даражасида Навоийни халққа кенгроқ танитиш учун хормай-толмай заҳмат чекадиган янги авлод етишиб чиқиши зарур.

[...] Бадиий ижодда янгилик ва янгиланишга ўз-ўзидан эришилмайди: изланиш, обҳавони ўзгартиришга бел боғлаш зарур. Аммо бунда ижодий эҳтиёж, янгиликни оқлайдиган моҳият аниқ ва ёрқин бўлмоғи керак. Акс ҳолда энг самимий ижодий ҳаракат ҳам кўғирчоқбозлик машғулотига менгзаб қолиши ҳеч гап эмас. Анъанавий ижод тажрибасида бир хиллик ва эскириш аломатлари бўлган, бўлиши муқаррар. Модернчилик байроғини кўтаришга уринаётган ижодкорлар, энг аввало, худди шу бир хиллик, янада аниқроғи, шакл, мазмун ва ифодадаги турғунликка қарши. Шу маънода уларни тушунишгина эмас, қўллаб-қувватлаш ҳам лозим деб ўйлайман. Бироқ асрлар мобайнида яшаб келган ғоявий-эстетик анъаналардан узилиб ёки улардан бутунлай йироқлашиб адабиётда янгилик яратиб бўлмайди. Янгилик миллий шуур, миллий тафаккур, миллатнинг маданий-маънавий идрокига мувофиқ тарзда юзага келиши лозим. Афсуски, модерн тамойилида битилган асарларда табиийликка нисбатан атайинлик, илҳомга қараганда тақлидчилик бўртиброқ кўзга ташланади. Бразилиялик адиб Пауло Коэлонинг шундай бир гапи бор: “Парижда... аксарият ёзувчилар мазмун қолиб шаклга зўр беради, оригинал кўринмоққа тиришади, ёзганларини эса ўқиб бўлмайди — кишини эсноқ босади. Ўз ёғига қоврилиб юравериб, улар ахийри “сендан угина, мендан бугина” йўлини тутади, яъни: мен сенинг китобингни мақтайман, сен меникини, ҳеч ким бизни тушунмаётганига аччиқма-аччиқ, янгича маданий муҳит барпо қиламиз, инқилоб ясаймиз, ўзгача фалсафий тафаккур яратамиз, ахир барча даҳоларнинг кори аъмоли шундай-ку! Ўз замонасига тушунарсиз бўлгани учун ҳам буюкда улар!.. Аввалига қўллаган бу усуллари натижа беради, негаки англаб етмаган нарсасини баралла қоралашдан кўпчилик ўзини тияди. Лекин бора-бора олдига похол тўшалганини пайқаб қолади ва танқидчи деганига ишонмай қўяди”.

[...] Очиғини айтсам, илм-фан ривожию олимлик шаъни ҳақидаги менинг фикр-мулоҳазаларим унчалик ҳам қувончбахш эмас. Биринчидан, назаримда, илмдаги асрий холислик, ҳалоллик, фидойилик туйғулари хийла пасайиб кетди. Айниқса, диссертация ёзиш, илмий даражани қўлга киритиш мусобақаси юксак мақсад ва идеалдан йироқ бир юмушга айланиб қолди. Ижтимоий фан соҳаларида, жумладан, адабиётшуносликда ҳам тасодифий кимсалар сони кундан-кун тобора ортиб бораётирки, бу хусусда жиддий бош қотирмоқ жоиз. Шундай диссертантлар бор: ҳатто ўзи “ўрганган” мавзунинг ибтидосини дуруст сўзлаб беролмайди. Чунки ишни ўзи ёзмаган. Шундоқ тадқиқотчилар учрайди: таниш-билишга суяниш, яъни сохтакорликдан бўлак “салоҳият”и йўқ. Билим диддан, дид савиядан паст. Қарангки, худди бир мажбурият олгандай, шунақаларни қўллаб-қувватлашдан чарчамайдиган баобрў олимлар ҳам оз эмас.

Адабиётни — адабиёт деб англаш, адабиётга — адабиёт ўлароқ қараш учун олим ҳақиқатда билимдон ва виждонли бўлиши зарур. Акс ҳолда, қоғоз қоралаб, ёзиб-чизганларини бир муқовага жамлаб қолдирган қаламкашки, бари ўзича классиклар қаторига қўшилиб бораверади. Бошдан-охир диний, тасаввуфий ғоя ва тушунчалар талқину тарғибига бағишланган асарларни ҳам соф адабиёт намуналари сифатида тадқиқ этиш ғалатдир. Адабиёт аҳли нари турсин, илм вакиллари ҳам тузук билмайдиган ва чинакам шеъриятга алоқасиз “девон”лар асосида номзодлик диссертациялари ёзиш сўнгги вақтларда авж олди. Бу — наинки адабиёт, илм-фан ва олимликни таҳқирлайдиган, балки машҳур турк адиби Азиз Несиннинг “Шоир Шармандий қачон туғилган?” ҳажвиясида фош этилган сунъий илмбозликни оёқлантиришга монанд уринишдир. Алишер Навоий:

***Илмни ким воситаи жоҳ этар,***
***Ўзинию халқни гумроҳ этар,***

деганда ҳақиқатни нечоғли теран ифодалаб, нақадар узоқни кўра билган! Байтдаги “жоҳ” сўзи “Навоий асарлари луғати”да мансаб, бойлик, мартаба деб изоҳланган.

[...] Инсонга доир асл ҳақиқатни китобдан эмас, ҳаётдан, фаҳм-фаросатли одамни чалғита билмайдиган воқеликдан кашф этиш лозим. Ана шунда инсон қисмати ва аъмолига китобий нигоҳ билан қаралмаганидек, “яшаш илми”ни мураккаблаштирадиган ортиқча даъвою иддаолардан ҳам кўнгил фориғ бўлади. Одамни билиш ва дунёни танишда адашмаган киши бошқа ҳеч нимада адашмайди. Шундай бўлганми? Мумкинми шундай бўлиши? Демак... Мен англаб етган жайдари фалсафанинг интиҳоси ҳозирча ана шу.

ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

## ИККИНЧИ “ТЎФОН”

[...] Жамият ҳаётининг барча соҳаларига замонавий ахборот технологиялари шитоб билан кириб келаётгани ҳар бир субъект ишончли муҳофаза тизимига эга бўлишини тақозо этади. Мазкур жараёнда шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ўзаро уйғунлиги таъминланиши лозим. Шундай ҳимоя тизимини яратишда техникавий, ташкилий ҳамда сиёсий жиҳатлар бирдек эътиборга олиниши ушбу тизим мустаҳкамлигини таъминлайди. Зотан, ҳаётнинг ўзи бундан буён ахборот оқими юқори суръатда тезлашиб бориши муқаррар эканини кўрсатмоқда.

[...] Ахборот соҳаси шитоб ривожланаётган бўлса-да, ҳамон унда ёлғонни чиндан ажратиш масаласи долзарблигича қолмоқда. Бу эса жамият келажагига жиддий таҳдидлардан биридир, чунки уйдирма ахборот ёлғон умид уйғотади, қарор қабул қилиш жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

Шу билан боғлиқ “ахборот муҳофазаси” тушунчасининг мазмун-моҳиятини шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги муҳим манфаатлари ҳимоя қилиниши ташкил қилади. Бундай манфаатлар сирасига фуқарога тегишли шахсий маълумотлар, жамият ва давлат тараққиёти ҳамда хавфсизлигига дахлдор ахборотларнинг ҳимоя қилинишини киритиш мумкин. Зеро, уларни ошкор қилишга уриниш, сохталаштириш ёки ундан рухсатсиз фойдаланиш ахборот хавфсизлигига таҳдид ҳисобланади. Бу каби тажовузларга қарши туриш учун ҳар бир инсоннинг ўз ахборот муҳофазаси тизимига эга бўлиши тақозо этилади.

[...] Хавфсизлик тизимида ахборотнинг ўрни ва роли унинг бевосита амалий ва назарий табиатга эгалиги билан изоҳланади. Чунки, жамиятни ахборот билан таъминлаш қанчалик муҳим бўлса, уни ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш ҳам шунчалик устувор вазифадир.

[...] Маълумки, ахборот таҳдидига одатда муайян шахс, гуруҳ ёки ахборот соҳасида фаолият кўрсатаётган тузилмалар, асбоб-ускуналар, муайян бир макон нишон бўлади. Бундай таҳдид ва хуружлар инсоннинг руҳий ҳолатини издан чиқариш ёки уни бирор мақсадга хизмат қилдиришни кўзлайди...

Америкалик олим Ариэль Коэн замонавий технологиялар ютуғидан ғаразли мақсадда ҳам фойдаланилаётганини таъкидлаб: “Бугун интернет-саҳифалар сиёсий ҳаракатлар билан бир қаторда, афсуски, террористик гуруҳлар учун ҳам қўл келмоқда. Жумладан, sms-хабарлар орқали “флэш-моб” (электрон оломон), яъни автомобилларни ёқиб юборишга ўхшаш вандализм учун ҳам, “рангли инқилоблар” учун ҳам сафарбарлик ташкиллаштирилмоқда. Вандализмдан сиёсий зўравонликка томон бир эмас, ярим қадам масофа бор, холос”, — дейди. “Хусусан, — дея қўшимча қилади мутахассис, — 2004 йили Украинадаги “рангли инқилоб” чоғида намойишчилар мобил телефонлари орқали ўзаро боғланиб кўчаларга чиқишган. Радикал исломий ҳаракатлар дунёнинг бир нечта мамлакати, жумладан, Ироқ, Афғонистон, Покистон, Ғазо сектори ва Чеченистонда видео маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ўз студияларига эга. Бу студияларда юзлаб мутахассислар тарғибот-ташвиқот ишларини юритади ва ўз жирканч хатти-ҳаракатлари “самара”сини тасвирга туширади” *(Коэн А. Не во зло — во благо! К комфортному миру или к новым политическим битвам продвигают нас высокие технологии? // “Журналист”, №7, 2006, стр. 18-21).*

[...] Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакат раҳбарияти собиқ Иттифоқ даврининг “ахборот якка ҳукмронлиги” ғоясидан тезроқ воз кечиш мақсадида ахборот соҳасини истиқлол мафкурасига мувофиқ шаклда қайта ташкил этишни долзарб вазифалардан бири сифатида илгари сурди. Зеро, юзага келган маънавий бўшлиқ руҳий фалажликни келтириб чиқариши мумкин эди.

Бу борада Президент Ислом Каримов бундай деган эди: “...бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин” *(Ислом Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008, 115-бет).* Айни чоқда, жаҳон ахборот тармоғига қўшилиш муҳим, чунки “...ахборот оламида қандайдир девор ўрнатиш, ўз қобиғига ўралиб, маҳдудликка юз тутиш йўли бизга асло маъқул эмас” *(Ислом Каримов. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. // Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик. Т., “Ўзбекистон”, 19-жилд, 2011, 346-бет).*

Мамлакатимизда ахборот тизимининг сиёсий-ҳуқуқий асослари яратилгани қуйидагиларда акс этади: миллий ахборот макони яратилди; глобал ахборот макони билан қисман ва тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилди; ахборот хавфсизлиги яхлит миллий хавфсизлик тизими таркибига киритилди ва унинг ажралмас қисми сифатида эътироф этилди; ахборот соҳасида миллий қонунчилик шакллантирилди ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига мослаштирилди; замонавий ахборот-коммуникация технологиялари давлат ва жамиятнинг барча соҳаларига татбиқ этилмоқда. Хусусан, “бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда” *(Ислом Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Т., “Ўзбекистон”, 2010, 30-бет).*

**Аброр ЮСУПОВ**

ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

## МУВОЗАНАТ ЙЎЛИ

[...] “Миллий уйғониш” китоби том маънода Бегали Қосимов илмий-ижодий фаолиятининг энг юксак чўққиси сифатида баҳоланиши керак. Менинг назаримда, бу китоб фақат олис ўтмиш ҳодисоти ҳақида эмас, бугунги кунда ҳам ўзбек зиёлисини қийнаётган саволларга жавоб топишга ёрдам ва йўлланма берадиган, маърифатпарвар боболаримиз тажрибаларидан, уларнинг хато ва адашувларидан огоҳлантирадиган, ютуқ ва камчиликларидан хулоса чиқарадиган дастуриламалдир. Бугунги янги жамият, янги маданият ва янги адабиёт қандай тамойиллар заминида шаклланиши лозим? Бугун ўзбек кишиси, аввалан, зиёлиси қайси йўлни танламоғи, нимани ҳимоя этмоғи, нимага қарши курашмоғи, халқни, унинг илғор қисмини қандай ишларга даъват қилмоғи керак?

Китобда жадидлар тафаккурини банд этган ва айни шу кунларда ўзбек зиёлисини ҳам ўйлантираётган масалаларга — мана бу сатрларга диққатингизни тортаман: “Ҳамонки мақсад жамиятни янгиламоқ экан, уни янги авлодгина қилиши мумкин эди. Янги авлодни эса етиштирмоқ лозим. Эски, анъанавий усулда бу ишни амалга ошириш қийин, чунки замон ўзгарган... Сўнгги уч-тўрт аср Оврупони олдинга олиб чиқди. Унинг қўлини сарбаланд қилди. Энди Оврупо илм-фанини эгалламасдан дунё билан баробар яшаб бўлмайди... Айни пайтда ўзликни ҳам сақламоқ лозим. Дин-диёнат ҳам зарур. Хуллас, яшамоқ учун учала жиҳатни ҳам ушламоқ керак бўлади. Ушлаганда ҳам ҳеч бирини суиистеъмол қилмасдан. Акс ҳолда мувозанат бузилади. Мувозанат бузилиши эса ёмон оқибатларга олиб келади. Масалан, ёлғиз дин ушланса, дунё қўлдан кетади. Фақат ўзлик, миллат десак, яна дунёдан ажраб қоламиз. Бировнинг биз билан иши бўлмайди. Оврупалашсак, ўзлик йўқолади. Бу ҳам фожиа. Мувозанат керак...”

Бир замонлар жадидлар фикри-зикрини банд этган муаммолар бугун бизни ҳам ўйга кўмган. Бу муаммоларнинг моҳияти муайян даражада ўзгарган, дунёдаги мувозанатни бузишга қаратилган янги хавф-хатарлар, тажовузкор кучлар пайдо бўлган. Агар жадидлар Оврупо тимсолида тараққиётга бошловчи илм-фанни кўрган бўлса, бугун биз ҳамма нарсани манфаат нуқтаи назаридан ҳал қилишга уринаётган Ғарб диктатурасига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу зўравон кучлар кўпинча демократияни ниқоб қилиб, тараққиёт йўлидан боришга интилаётган, янги жамият пойдеворини қураётган давлатларни фақатгина ўз манфаатига хизмат қилдиришга уринаётган даврда яшаяпмиз.

“Миллий уйғониш” китобининг ҳар бир саҳифаси бизга давлат сарҳадларини қуролли чегарачилар қўриқлаганидек, миллат онги, сезими ва турмушининг ҳимояси маданият, адабиёт ва санъат аҳли томонидан ҳифз этилмоғи лозимлигини уқтиради. Қарийб юз йилдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, бу маърифатпарвар инсонлар “руҳсиз тандур, ханжар урса, қони сачрамас” юрт ва “оқибатсиз”, “ҳамиятсиз”, “ғайратсиз” миллат дардида юрак қони билан ёзган битиклар ҳамон замонамизга ҳамоҳанг янграйди. Баъзан таассуф ила ўйлайсан киши: турмушнинг маърифатсиз ва тубан иллатларига қарши улар (китобсиз хонадонлар, исрофли, дабдабали тўйлару бошқа кераксиз, сохта диний маросимлар ва ҳоказо ҳақида) ёзган куюнчак мақолалар ҳавога учиб кетмадими? Нега бу муаммолар ҳали-ҳануз оёғимизга тушов бўлиб қолмоқда? Нега миллий онг, сезим ва турмушнинг ҳимоячиси бўлмиш зиёлилар матонатсиз, нега уларнинг жамиятдаги ўрни йўқ ҳисоби? Ўйлайман-у, бу саволларга жавоб ҳам айнан шу китобда борлигини яхши биламан. Сизиф тақдирига маҳкумлик нечоғли аянчли бўлмасин, маърифатчи боболаримиз йўлидан юришда давом этиш лозимлигини англайман. Зеро, Ватанни севиш, унинг орзу-армонлари, қувонч-ташвишлари билан яшаш, миллат турмушидаги иллат ва камчиликларга муросасиз бўлиш Сизиф меҳнатини эслатса-да, у боболаримиз букилмас матонати туфайли эришган шараф ҳамдир.

Жадидчилар учун адабиёт оинайи миллатдур, у фақат юрак замзамаси эмас, тафаккур жилоси бўлмоғи лозим, у фақат ҳисларга эмас, онг ва сезим тараққиётига таъсир ўтказмоғи даркор. Бунинг учун адабиёт ва ижод аҳли халқ дарди билан, унинг орзу-армони билан яшамоғи керак.

Маърифатчи боболаримизнинг бу ўгитлари бугун ҳам долзарб. Мустақилликдан кейин адабиётимизда бошланган янгиланиш жараёни фақат замонга ҳамоҳанггина эмас, элу юрт тақдирига ҳамнафас бўлсин. Айрим китобларда намоён бўлаётганидек, Ғарбнинг машҳур асарлари, адабий тажрибаларини кўр-кўрона, рангсиз ва жонсиз такрор этиш йўлидан эмас, боболаримиз айтганидек, мувозанат йўлидан, ўрганишга арзийдиган тажрибаларни рад этмаган ҳолда, жони ва руҳи миллий заминдан узилмаган йўлдан бориш керак.

Китобни ёпар эканман, устоз Бегали Қосимовнинг тадқиқотчилик меҳнати ва олимлик матонати олдида бош эгаман.

**Хуршид ДАВРОН**

ФИКР

Оммавий ахборот воситаларига жамият кўзгуси дея таъриф берилади. Бу бежиз эмас. Чунки кундалик ҳаётимизда рўй бераётган янгиликлар, ҳодисалар, энг аввало, ОАВда ёритилади, жамоатчиликка етказилади. Шу боис, юртимизда «тўртинчи ҳокимият»ни ҳар томонлама ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида кейинги йилларда мамлакатимизда ОАВ сони сезиларли даражада кўпайиб, айниқса, хусусий нашрлар, теле ва радиоканалларнинг улуши ортиб бораётгани, интернет-журналистиканинг ривожланаётгани қувонарлидир.

## “Опоқи” нима дегани?

Берилаётган эътиборга муносиб равишда маълум талаблар ҳам мавжудки, соҳа ходимлари уларга доимо амал қилиши зарур. Ана шу талаблардан бири оммавий ахборот воситалари тилига эътибор ҳисобланади. Маълумки, оммавий ахборот воситаларида фақат адабий тилдан фойдаланиш талаб этилади. Бироқ бир қатор теле ёки радиоканал бошловчилари ва журналистлари ўз шевасида бемалол гапиришмоқда. Кишининг энсасини қотирадиган, матнида русча-ўзбекча сўзлар аралаш қўшиқлар ва уларга ишланган маънисиз клиплар, сериалларда эса шевага хос сўзлардан бемалол фойдаланиш одатий ҳолатга айланиб қолди.

Яқинда “Ўзбекистон” телеканалида эфирга берилган бир сериалда эр аёлига “опоқиси” деган сўзни қўллади. Худди шу сўз “Супер қайнона” фильмида ҳам ишлатилган. Бир қарашда бу оддий ҳолдир, чунки Тошкент шаҳри ва вилоятида бу сўз аёлларга нисбатан ишлатилади. Лекин мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида, масалан, Фарғона водийсида “опоқи” сўзи эркакларга, яъни кекса кишиларга нисбатан қўлланади.

Шу ўринда “Спорт” телеканали бошловчиларининг “маҳоратлари” хусусида ҳам икки оғиз сўз. Ҳар бир соҳада бўлгани каби тилнинг ҳам ўз қонун-қоидалари мавжуд. Катта элга бир гап айтмоқчи бўлган ижодкор бу қонуниятларга риоя этиши шарт. Аммо спорт шарҳловчиларимиз учун бу қоидаларнинг аҳамияти йўқ, шекилли, улар тилимизга янгиликлар киритишни бошлаб юборишди. “Бунёдкор” футбол жамоаси иштирокидаги ўйин шарҳида “Анвар Солиев Камолиддин Мурзоевни алмаштирди”, — деган гапни эшитиб, шарҳловчи сўзидан адашиб кетди, шекилли, деб ўйлагандим. Кейинроқ ўзим адашганимни сездим. Чунки бу жумла ҳозирда миллий ва хорижий чемпионатлар футбол учрашувларини шарҳлашда ҳам айрим ҳолларда худди юқоридаги шаклда ишлатилмоқда. Аслида, фикрни тўғри ифодалаш учун “Анвар Солиев Камолиддин Мурзоев билан ўрин алмашди ёки бош мураббий шу футболчиларни алмаштирди” деб айтилиши лозим эди. Негаки, ўйинчини ўйинчи эмас, балки мураббий алмаштиради.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли тилимизга бир қанча янги сўзлар, жумлалар кириб келди. Бу табиий ҳол. Демак, тилимиз лексикасининг бойиши шубҳасиз. Бироқ она тилимизда муомалада мавжуд бўлган сўзлар ўрнига хорижий сўзларни ишлатиш кишининг маданияти, сўзга бойлигини билдирмайди. Аксинча, гапираётган шахснинг она тилимизни, демакки, миллатимизни ҳурмат қилмаслигини англатади. “Спорт” телерадиоканали футбол шарҳловчилари томонидан ишлатилаётган “фоул” сўзи (инглизча “foul”) “қоида бузиш”, “қўполлик” маъноларини англатади. Бу каби сўзларнинг муомалага кириб келиши ўз она тилимиздаги мавжуд сўзларнинг унутилишига олиб келмаслиги лозим.

Бу каби мисолларни матбуот нашрларида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Тўғри, иш бор жойда камчилик бўлади. Аммо камчилик ўз вақтида бартараф этилса, фойдадан холи бўлмасди.

**Абдумуталлиб ЎКТАМОВ,**
**журналист**

# ИФТИХОРНОМА

## МАНЗУМА

Давлатимиз раҳбарининг Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига, воҳа халқининг меҳнаткашлик, олижаноблик, меҳмондўстлик каби фазилатларига, бетакрор санъатига юксак баҳо берилди. Бу вилоят аҳлининг фахр-ифтихорини зиёда қилди.

Фахру ифтихор қалбларни яшнатади, бахтиёрлик туйғусини камолга етказади. Доимо юксак ишонч ва эътирофга муносиб бўлиш учун орзу-истакларни аланга олдиради. Фахру ифтихор гўё барча эзгуликларни ўзига жамловчи оҳанрабо. Ундан улуғ юртимизнинг нурафшон чеҳраси бино бўлади.

Хоразмда бугун айнан шундай кўтаринкилик ва баланд руҳият ҳукмрон. Юртбошимиз юксак қадрлайдиган "ширин шева"да айтганда, оғзибирлик - аҳиллик, бир-бировга ҳурмат ва бир-бировдан рози-ризолик каттаю кичикни эзгу мақсадлар йўлида жипслаштирган.

Ана шундай улуғ юртнинг манзумаларини битмай, ифтихорномаларини ҳам яратмай бўладими? Шоирни шоир қилувчи ҳам аслида шу назаримда.

**1.**

Олтмиш йил лаҳзадек туюлди гўё,
Умр шитобига ҳайратда боқсам.
Аммо руҳимга куч қуюлди гўё,
Кўнглимга ифтихор гулларин тақсам.

Ифтихорнинг гули — хилқатсан нечук,
Кўнгил яшнатувчи ногоҳ бир зумда?
Салмоғи бўйидан минг марта кичик,
Сендан бир нишона бўлмаса кимда.

Ифтихорнинг гули — мукаммал нишон,
Лек уни кўкракка қўймаслар жойлаб.
Уни ўстирарлар юракда ҳар он,
Муҳаббат сингари асраб-авайлаб.

Ифтихорнинг гули — қурол бехато,
У ёнбошда турмас муштдек осилиб.
У меҳру муҳаббат отар доимо,
Димоққа муаттар бўйи босилиб.

Ифтихорнинг гули — ёрнинг ҳуснидан
Оби ҳаёт эмган кўзнинг қароғи.
У олдинга шаҳду шижоат билан
Интилган дилларнинг ишонч байроғи.

Ифтихорнинг гули — назокат аро
Титрагувчи ҳабнинг табассумидир.
Иймон устунларин қилгувчи бино
Сабр ила шукурнинг тажассумидир.

Ифтихорнинг гули — муштоқ очунга,
Ҳар зарра камолдир қўллар нақш этган.
Янги саодатга интилган кунга
Бахшида умрдир шитоб бахш этган.

Ифтихорнинг гули — муштоқ зорларга
Умид улашгувчи шафқат бандидир.
Ҳам меҳрга ташна дўсту ёрларга
Қайтган оқибатнинг сарбаландидир.

**2.**

Отам елкасида ўқ изин кўриб,
Сўрадим урушнинг қандай бўлганин.
У эса шунчаки жилмайиб туриб,
Айтди офат ёғиб, гуллар сўлганин.

Шунда бир тамғадек чандиқ туфайли
Англадим лутф ила ҳақ тушунчасин.
Камтарлик йўғрилган жасорат зайли
Жонимда туғдирди фахр ғунчасин.

Кўксин келажакка қалқондай тутар,
Унутмаган юртин ва оллосини.
Отам дардларини ичига ютар
Ва айтарди гапнинг индаллосини.

"Бу тинчликка шукур, замонга шукур,
Айирмасин ҳеч вақт юртнинг тузидан!"
Бирдан юрагимда қўзғалди ғурур.
Ёмғирдай кетма-кет фахр изидан.

Онам қўлга олиб китобим секин,
Муқованинг юзин сийпалаб қўйди.
У шеърларим бир-бир ўқишдан олдин,
Қоғоз ва бўёқнинг ҳидига тўйди.

Ногаҳон саргашта хаёлим шу кеч
Онам қўлларига суйкалди мулзам.
Кўнглимга кўкдан бир уруғ тушиб тез
Фахр гули унди, куттирмай ҳеч ҳам.

Ифтихор гуллари — онам нигоҳи,
Бутун борлиғимга, шеъримга дохил.
У менга таъкидлаб турарди гоҳи,
Эътиқод инсонни қилишин комил.

Дуога қўл очиб тургандай онам,
Ҳамиша ўз уйим — қутлуғ манзилда.
Шу сабаб муқаддас туюлар олам
Ва ҳаёт севгиси, фахри ёр дилда.

**3.**

Қалдирғоч қабоғим кўтариб ўтди,
Кўзимни каттароқ очмоққа қистаб.
Олам келинчакдай ясана кетди,
Шунда нигоҳимга чалинмоқ истаб.

Ошиқу ошуфта кўрдим дунёни,
Ер, кўк хуррам эди, кўнгиллар обод.
Бир пари узатди меҳригиёни,
Кўзингга суртиб юр, дея умрбод.

Юрагимга осдим, руҳимга осдим,
Бу мени тарк этмас, меҳр дастини.
Сўнгра фахр ила жон дея босдим,
Муҳаббат йўлининг баланд, пастини.

**4.**

Ногаҳон бошимни баланд кўтарсам,
Қуёшнинг забтидан кўзим қамашди.
Кўкнинг ўт кўзидан бўлганча мулзам,
Кўнглимга юрт фахри қаттиқ туташди.

Ифтихор амалин оташдан уқиб,
Олий муҳаббатга ришта бойладим.
Юртим офтобини кўксимга суқиб,
Унга яқинликдан фахр айладим.



Фахр этдим, қор-ёмғир чақмоғидан ҳам,
Улар шон неъмати туюлаверди.
Ҳаттоки йўлларнинг сўқмоғидан ҳам
Фахр нашидаси қуюлаверди.

**5.**

Табиат юртимни йил бўйи сийлаб,
Суюкли айлаган фаслларини.
Ҳар айём ўзбекни мўътабар айлаб,
Бахш этар неъматнинг аслларини.

Хотирамдан ҳар вақт сачраб туради
Ифтихор мулкидан шарор нуқралар.
Хаёлим кўкида учиб юради
Оқ лайлаклар каби оппоқ нуқталар.

**6.**

Ёзаман ҳис этиб ҳаёт тотини,
Ҳар мисра шеъримга бир тўлқин бергай.
Қалам тутсам, қалбнинг фахр отини,
Қўйиб юбораман исталган ерга.

Истаган жой эмас, исталган жойлар
Фахрим отининг чўнг манзилларидир.
У кетар соғинчнинг устига миниб,
Фахр ортиб қалбга қайтмоққа, ахир.

**7.**

Олтмишнинг тоғида вақт кўзгусини
Артаман умиднинг кенг енги билан.
Шунда бир юлдузнинг шан ёғдусини,
Самолар бағрида аён кўраман.

Балки, менинг шеър-ашъоримдир у,
Меҳру муҳаббатдан яралган тинмай.
Балки менинг ифтихорим у,
Келажакка етган бузилмай, синмай.

**8.**

Ифтихор гуллари — кимгадир армон,
Ким учун барг ёзмай, бормоқда сўлиб.
Уларсиз ҳаёт бир чўлу биёбон,
Оби ҳаёт эмас, қум оққан тўлиб.

Ифтихор гуллари бор гулдан аъло,
Не зарур шунчалик алқамоқ уни?!
Уларсиз ҳеч кимса ишонмас асло,
Яшадим деб айтсанг элга бир куни!

**9.**

Истиқлол! Булбулдай тонг чоғидаги
Борлиқни бошига кўтарар сайраб.
Минг-минг атиргуллар, дил боғидаги,
Шу онда очилди сурурдан яйраб.

Юз йиллик дўст каби очди қучоғин,
Ҳатто нотанишлар бири-бирина.
Унутилди ҳатто, унутилмайин
Нодўстлар ёдида турган кўп гина.

Менинг бир инсоний фахрим юксалиб,
Тоғдай таянчимга айланиб қолди.
Ҳар куни дилимга ифтихор солиб,
Илҳом Истиқлолга бойланиб қолди.

Истиқлол, сенингсиз фахр ўткинчи,
Мурод ва мақсаднинг аслидир ёлғон.
Фахрим гулларига, сенга етгунча,
Ҳаттоки орзуинг бағишлади жон.

**Сотим АВАЗ,**
**«Дўстлик» ордени соҳиби**

# ТЎН

Шахмат – зўр ўйин. Жой ҳам, мавсум ҳам, ёш ҳам танламайди. Энг муҳими, ортиқча харажат талаб қилмайди. Шавкат Ғиёсович билан Ҳалим Салимович бу ўйинни шунинг учун яхши кўради. Иккаласини қарийб йигирма йилдан бери иноқ-аҳил, қадрдон қилиб турган ҳам шу ўйин. Кун пешиндан оғди дегунча бири иккинчисига секин сим қоқади:

— Шавкат Ғиёсович, онангиз сизни фақат меҳнат учун туққанми, дейман? Ёшгина жонингизни бунча қийнайсиз, ахир?

— Тўртинчи синфдан бери аҳволим шу, оғажон, — дейди Шавкат Ғиёсович қувониб. — Ҳужжатларни тайёрлайман, таҳрир қиламан, тўғрилайман. Шунга ҳам қирқ беш йилдан ошибди-ю, раҳмат, дейдиган бирор мард йўқ. Меҳнатнинг ҳам қадри бўлсин экан.

— Нега тўртинчи синфдан бери? — деб юзинчи, балки мингинчи марта сўрайди Ҳалим Салимович. Чунки, биладики, бу саволнинг жавоби ҳамсуҳбатига катта завқ-шавқ ва ҳузур бағишлайди. Шавкат Ғиёсович шу йўл билан ўзининг ғоят заҳматкаш, «меҳнат учун туғилган» одам эканлигини писанда қилиб ўтишни жуда хуш кўради.

— Тўртинчи синфда ўқиётганимда тоғам синф раҳбаримиз бўлган, — дейди у. — Конспектларини, журналларини, яна аллақандай дафтарларини қўлимга бериб, яхшилаб кўчириб қўй, Шавкат, дерди-да, ўзи стадионга, тўп тепгани чиқиб кетарди. Нима эмиш, ҳусни хатим чиройли эмиш. Шунга ҳам қирқ беш йил бўлибди. Қирқ беш йилдан бери қоғозга кўмилиб ўтирибман.

Бошқа одамнинг бундай гаплардан энсаси қотиши табиий. Лекин Ҳалим Салимович парво қилмайди, бўлар-бўлмасга жиғибийрони чиқадиган одати йўқ. Негаки, ҳаёт ўзи шунақа, ҳамма ўзича, фақат ўзим ишлаяпман, ўзим қойил қиляпман, осмонни фақат ўзим суяб турибман, деб ўйлайди. Бошқалар, масалан, қўшни хона, бўлим ёки идорадаги ходимлар ҳақида гап кетганида: «Ҳеч ақлим етмайди, шу одамлар кун бўйи хонасида нима иш қилиб ўтирар экан?» — деб ажабланади. Ўша қўшниларининг кўнглига қўл солиб кўрсангиз, уларнинг зорланишидан ёқа ушлайсиз: «Ишонмайсиз, лекин ишнинг кўплигидан бошимизни қашишга қўлимиз тегмайди!»

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Уюшма аъзоси, "Оила ва жамият" газетаси бош муҳаррири Норқобил Жалилга рафиқаси

**Анорхол ХУДОЙБЕРДИЕВА**нинг

вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.



— Майли, шукур қилинг, — деб далда берган бўлади Ҳалим Салимович Шавкат Ғиёсовичга. — Қоғозга кўмилиб, ҳеч кимдан кам бўлган жойингиз йўқ. Кимсан — Шавкат Ғиёсовичсиз. Оёғингиз узангида — каттакон илмий тадқиқот институти директорининг ўринбосарисиз. Фан докторисиз. Ўлмай-нетмай пенсия ёшига етиб олганингизнинг ўзи катта бахт, ака. Қанчадан қанча тенгдошларингиз шундай кунларга етолмай ўтиб кетди-ку.

— Шукур, дейман, албатта!

— Дарвоқе, яна бир партиягина эзиб қўйсам, нима дейсиз? — деб рақибининг қитиқ патига тегади Ҳалим Салимович, институт илмий котиби.

— Кучингиз етармикин, оғажон? Кеча уч марта эзилганингиз камлик қилдими?

— Кеча шошилиброқ турган эдим. Бунинг устига, юбилейингиз олдидан кайфиятингизни бузгим келмади. Дарвоқе, юбилейга тайёргарлик ишлари қалай бўляпти?

— Тайёргарлик жойида. Келгуси якшанба куни кечқурун Юнусободдаги «Бедана» ресторанига қадам ранжида қилаверасиз. Тағин ўша кунга бошқа бировдан заклад олиб қўйманг. Биламан, сизнинг ҳам хушторларингиз кўп.

— Ўҳ-ҳў! Мана бу ароқдан бир қўлгина олинг, мана бу жиздан, мана бу тандир кабобдан газак қилинг, деб жонимизни роса қийнар экансиз-да!

— Биз учун бир марта қийналсангиз нима бўпти, оғажон.

— Бир марта қийналишга-ку, розимиз. Лекин, эртаси куни «супра қоқдиси»га ҳам келмасанглар бўлмайди, деб яна қийноқ-қистовга оласизми, деб хавфсираб турибман-да.

— Асло, хавфсираманг, Ҳалим Салимович! Бундай хавф йўқ. Бўлмайди ҳам!

— Хм-м. Начора... Лекин бу гал қуруқ ўйнамаймиз. Ютқизган — пиво олиб беради. Маъқулми?

Ҳалим Салимович рози бўлди:

— Сиз, пиво билан сийлайман, дейсизу, биз бош тортсак — гуноҳ. Келинг.

— Ҳозир. Номеримни сизнинг телефонингизга улаб, секин чиқиб бораман.

Кўп ўтмай Шавкат Ғиёсович қўшни қаватга — Ҳалим Салимовичнинг торгина хонасига жиддий қиёфада кириб келади. Башанг кийинган — ҳаво ранг ёзги костюм-шим, кўк қўйлак, кўк галстук. Сийраклашиб қолган оқ сочлари ортига силлиқ таралган. Қўлида қалин папка.

— Котибамга объектлардан хабар олгани кетяпман, дедим, — деди у папкасини ойнаси кўчган шкаф тахмонига ташлаб, костюмини стул суянчиғига илар экан. — Ҳавонинг ёнишини қаранг. Яхшиям кондиционер бор.

Мезбон эшикни ичкаридан қулфлаб, локлари кўчиб кетган сарғиш столининг тортмасидан аввал каттакон шахмат қутисини, сўнг иккита оқ пиёла, ярим шиша ароқ олади. Шахмат доналарини стол устига шалдиратиб тўкади.

— Барака топгур, секинроқ!

— Қўрқманг. Хўжайин мажлисга кетди. Ўзим кўрдим.

— Деворда сичқон бор, сичқонда...

— Қулоқ. Ҳадиксирамасдан, қўрқмасдан яшашни қачон ўрганасиз, Шавкат Ғиёсович?

— Энди бўлган-турганим — шу. Букрини нима тўғрилашини биласиз-ку.

Доналар терилгач, баҳс бошланади: ким оқ доналарда ўйнайдию, ким қорада? Ҳалим Салимович офтобда қорайган, йўғон қўлларини ортига яшириб, гугурт донасини каттакон кафтларидан бирига жойлайди.

Шавкат Ғиёсович ўйинни бошлайди.

Пиёдалар энди жиддий баҳсга киришиб, пиёлаларга иккинчи бор шароб қуйилганида эшик қулфи шиқиллади. Шахматчилар бир-бирига тикилиб, жим бўлиб қолди. Эшик секин тақиллади. Шавкат Ғиёсович ўғрилик устида қўлга тушган жиноятчидек, шахмат тахтаси устига шкафда ётган эски газетани ташлади. Ҳалим Салимович пиёла билан шишани ғаладонга тиқар экан, кулди:

— Бунча қалтирайсиз, ака?

Эшик бу гал қаттиқроқ тақиллади.

— Директорга ўхшайди! Иш расво! Бирортаси сотган кўринади.

— Ким?

— Мен «Соҳибкор» фирмасиданман. Ҳалим ака бормилар? Чопон олиб келгандим.

«Соҳибкор» — институтга қарашли фирма.

— Ҳозир. — Ҳалим Салимович эшикни очди. Хонага қилтириққина бир йигитча каттакон елим сумка кўтариб кирди.

— Омонулла ака бериб юбордилар, — деди ва рўпарасидаги икки одамга синовчан қаради. — Ҳалим акага.

— Ҳалим менман. Шкафга солиб қўйинг.

— Тўхтанг, ука, — деди Шавкат Ғиёсович. — Бу қанақа чопон?

— Кўк чопон, — деди йигитча.

— Ҳамма нарсанинг кўки яхши, — деди Ҳалим Салимович тагдор қилиб.

Йигитча сарғайган сўйлоқ тишларини кафти билан яшириб, кулди.

— Сумкангни оч-чи, — деди Шавкат Ғиёсович.

Очди. Ялтироқ кўк матодан тикилган қалин чопон чиқди. Чорсу бозорида юз мингга бундай чопондан ўнтасини олиш мумкин.

— Бу кимга? — у Ҳалим Салимовичга қаради.

— Келгуси якшанба куни «Бедана» ресторанида муборак ёшини нишонлайдиган қадрдонимизга!

— Ўша қадрдонингиз мабодо картошкафуруш эмасми?

Ҳалим Салимович пастки лабини тишлади. Қизарди.

— Ука, сан бориб, Омонуллага айт, менга тезда телефон қилсин, — деди анграйиб турган йигитга. — Тезда! Хўпми?

Инсон манзаралари

— Хўп!

Эшик ёпилди.

— Бунақа эмас-да, оғажон! — деди Шавкат Ғиёсович. — Ахир ресторанга қуда-анда, ака-ука дегандай, қанча қариндош-уруғим келади. Ўшаларнинг олдида шу увадани кийдирасизлар-ми менга. Дурустроқ зарбоф тўнга пулларинг етмаган бўлса, айтинглар, ўзим қўшай. Лекин, мени бунақа шарманда қилманглар! Илтимос!

Шавкат Ғиёсович эшик томон юрди.

— Ҳаммаси — Омонулланинг иши. Мен у калтафаҳмга зар тўн бўлсин, дегандим. Ўзича донолик қилди. Нима эмиш, хўжайин элликка кирганида оддий тўн ёпган эдик. Ўринбосарига зар тўн кийдирсак, қандай бўларкан, дейди... Қўйинг, асабийлашманг. Тўғрилаймиз.

Шавкат Ғиёсович ортига бурилди:

— Тўғрилаймиз?! Тасодифан кўриб қолмаганимда нима бўларди? Шу увада чопонни ресторанга кўтариб борармидинглар? Ё, тавба!.. Ё, алҳазар! Мен шу институтнинг тупроғини неча йилдан бери ялаб юрганимни биласизми?

— Биламан, ака, биламан. Ўттиз йилдан бери.

— Ҳа-а, ўттиз йилдан бери! Сизга айтдим-ку, меҳнатнинг қадри йўқ, деб.

Шавкат Ғиёсович стул суянчиғидан костюмини юлиб олиб, шкафдаги папкасини қўлтиғига қистирди-да, хонадан зарда билан чиқиб кетди. Ҳалим Салимович охиригача ўйналмай қолган шахмат доналарига маъносиз тикилиб қолди.

**Жонқобил ЖУМА**

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 233-67-51; Тел-факс 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: Тел:236-55-13, 233-36-02.

Вилоят мухбирларимизнинг телефон рақамлари:
Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — (+99891)-672-82-33,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи:
Шаҳзода Ҳакимова

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 20 00

Адади: 6377 Буюртма — Г-1055 1 2 3 . 5